

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

Жаҳон адабиёти кафедраси

Рустамов О.Ю.



**ФРАНЦУЗ ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ ҲАРАКАТИ” ПОЭЗИЯСИНИ
ПОЛЬ ЭЛЮАР ВА ЭЖЕН ГИЛЬВИК
ИЖОДИ МИСОЛИДА ЎРГАНИШ**

Семинар дарслар учун методик тавсия

Самарқанд – 2010

Рустамов О.Ю.

“Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини Поль Элюар ва Эжен Гильвик ижоди мисолида ўрганиш.

Семинар дарслар учун методик тавсиялар.

Самарқанд. СамДЧТИ. 2010йил.

Ушбу методик тавсия “Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини Эжен Гильвик ижоди мисолида ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Маълумки, машҳур француз шоири Эжен Гильвикнинг ижоди XX асрнинг биринчи ярмидаги француз поэзиясининг қиёфасини ўзида теран ифодалаб беради. Поль Элюар ижоди ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шунингдек Поль Элюарнинг “Озодлик” шеъри бутун “Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини ўзида характерлаб бера олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ушбу шоирлар ижоди ўз аҳамиятига кўра XX аср француз адабиёти тарихини ўрганиш учун беқиёс манба ҳисобланади.

Ушбу методик тавсия Самарқанд давлат чет тиллар институти ва шу йўналишдаги олий таълим муассасаларининг роман герман филологияси факультети юқори курс талабаларига XX аср француз адабиёти тарихи курсидан семинар дарсларини ўтказиш жараёнида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда эса, француз шеърияти ва поэзияси тарихи билан қизиқувчи барча талаба ҳамда китобхонлар оммасига ҳам фойдали бўлади деган умиддамиз.

Масъул муҳаррир: доц. С.И. Исмоилов.

Такризчилар: доц. А. Кўчибоев. доц. С.Ж. Жабборов.

Ушбу ўқув - услубий қўлланма СамДЧТИ ўқув - услубий Кенгаши
нинг 2010 йил ____ - сонли қарори асосида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон буюк келажак сари” (1) китобида шундай деб ёзади: “Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида бўлишини тарихнинг ўзи белгилаб қўйган. Бу эса “Буюк ипак йўли” сингари Евроосиё иқтисодий ва маданий кўпригини барпо этишни республика ташки сиёсатининг стратегик истиқболи сифатида олға суриш имконини беради”¹.

Шу маънода, Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида дунё халқлари маданияти ва адабиётини, жумладан француз адабиётини ўрганишни муҳим вазифа сифатида эътироф этмоқ жоиз”.

Муҳтарам Президентимиз ўз фикрини янада давом эттириб ушбу сўзларни қўшимча қилади: “Тафаккурнинг мафкуравий ақидалардан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиш шакллари ва йўлларининг хилма – хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати етилди.”²

Дарҳақиқат, бу ўз вақти ва ҳам ўз ўрнида айтилган муҳим фикрдир.

Ҳеч бир шак – шубҳасиз, XX аср француз шеърияти ўз тараққиёти давомида ниҳоятда зиддиятларга бой, мураккаб тарихий жараёнларни бошидан кечирган. Бу жараёни ўрганиш ва унинг ўзига хос йўналишларини кузатиш XX аср француз шеърияти тўғрисида анча аниқ ва тўлиқ билимга эга бўлиш учун кўмак беради.

Бунда, айниқса, XX аср француз поэзиясининг қиёфасини белгилаб берувчи Аполлинер, Элюар, Арагон, Гильвик, Превер каби шоирлар ижоди алоҳида аҳамият касб этади. Умуман XIX ва XX аср француз шеърияти ўртасида бирон-бир узилишнинг борлиги ҳақидаги фикр, жуда шартли тушунчадир. ХҮІ – XIX асрлар француз шеъриятида мавжуд бўлган ижобий – эстетик бойликлар XX аср француз поэзиясининг яна ҳам юқорироқ чўққиларни эгаллаш учун замин бўлди деб, айта оламиз.

Поль Элюар ижодида XX аср француз поэзиясининг энг гўзал сатрлари жамланган. Айниқса, “қаршилик кўрсатиш ҳаракати” йилларида у бутун Францияни жангга, жасоратга, Ватан озодлиги учун курашга чорлаган. Шу билан бир қаторда ҳали бизнинг зиёлиларимиз ва илмий жамоатчилигимиз, талаба ёшларимиз Поль Элюар ҳамда Эжен Гильвик ижоди билан етарли даражада таниш эмас.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. 1999.
36 - бет.

² Ўша асар. 70 - бет.

Бизнинг ушбу “Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини Эжен Гильвик ижоди ва Поль Элюарнинг “Озодлик” шеъри мисолида ўрганиш деб аталган семинар дарслар учун методик тавсияномамиз Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг француз тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжаллаб чиқарилган асосий ўқув дастурига ҳамда шу асосда СамДЧТИ француз филологияси факультети талабалари учун тавсия этилган ўқув программасига биноан ёзиб тайёрланганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Тарихдаги катта ва қудратли ўзгаришлар, XX асрда юз бераётган воқеаларнинг бениҳоя кучи ва кўлами – урушлар, инқилоблар, техника тараққиёти – буларнинг барчаси хоҳ бевосита, хоҳ билвосита бўлсин, француз поэзиясининг тадқиқот объектига айланади. Бундай объект эса ўз табиатига кўра, худди ўшандай алоҳида, кўп қиррали ва кенг йўлли тасвир шаклининг яралишини талаб қилади.

Албатта, тақдим этилаётган мавзу мутахассисликни эгаллаётган талабалар учун ўз кўламига кўра хийла муҳим ва зарур, шунинг учун ҳам ушбу ўқув услубий қўлланмага эҳтиёж бор.

Биз муҳтарам ўқувчи ва китобхонларимизнинг ушбу тақдим этилаётган ўқув услубий қўлланма тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини бажонидил қабул қилишга шаймиз ва аввалдан уларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Муаллиф.

Биринчи боб.

“Француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати поэзияси”ни Эжен Гильвик ижоди
мисолида ўрганиш

Бугунги кунда бу мустақилликни мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун, ҳар бир ўзбек фарзанди учун буюк ҳаётий бурчга айланди. Халқимиз ўз муваффақиятларини кўпайтириш учун ҳозирги пайтда катта иштиёқ билан меҳнат қилаётганлигини барча жабҳаларда, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида, жумладан санъат ва маданиятда ҳам, фанда ҳам кузатиш мумкин. Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг Франция республикасига қилган сафари чоғида шундай деган эди: **“Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш зарур деб ҳисоблаган Франция қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир”³.**

Дарҳақиқат, XX аср француз поэзиясининг тарихи ва тараққиёти масаласини ўрганиш адабиётшунослигимиздаги, хусусан хорижий мамлакатлар адабиёти тарихини ўрганиш соҳасидаги долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Ўзбек адабиётшунослиги бу соҳадаги ўз тадқиқотларининг ривожини ва кўламини эндигина кенгайтириб, юксалиш сари қадам қўймоқда. Шу сабабдан ҳам тадқиқотнинг ушбу соҳасини биз ўз изланишларимиз ва кузатувларимизга тортдик. Айтиш жоизки, бу мавзу, адабиётлараро алоқаларнинг ҳозирги кунга қадар кенг ёритилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш йўлининг, мустақил жумҳуриятимиз филология фанининг долзарб масалаларидан биридир. Бу соҳанинг асосини таржима адабиётлар ташкил этади. Таржима халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири. Шунинг учун ҳам таржима адабиётларнинг сифати, савияси ва моҳиятини ҳамда таржимада муаллифнинг ўзига хос бадиий услубини қайта яратиш масаласи янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Таржима адабиёт ичида француз шеърияти таржимаси француз прозаси ёки драматургиясига нисбатан бизнинг маданиятимизга сал кечикиброқ қириб келаётган саҳифа.

Бунинг боиси шеър таржимасининг нисбатан мураккаблиги ва ўзига хослигидир.

Шунинг учун бу соҳа бизда кенг миқёсда тадқиқ қилинган эмас. XX аср француз шеърияти қарама-қаршилиқларга ниҳоятда бой, мураккаб жараёндир.

³ “Халқ сўзи” газетаси. 1993 йил 2 ноябрь.

Бу жараённи кузатиш ва унинг йўналишларини аниқлаш XX аср француз шеъриятининг ўзига хос йўлини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбек-француз адабий ҳамкорлиги кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Шубҳасиз, бундай ҳамкорликнинг асосини Ўзбекистон Республикасининг Франция республикаси билан бевосита алоқаларни ўрнатганлигида кўрамиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон – Франция муносабатлари тўғрисида гапириб шундай деган эди:

“Муносабатларимизнинг бундай ривожини унинг келажагига умид ва ишонч уйғотади. Ҳозирги пайтда иқтисодий, илмий, маданий соҳаларда алоқаларимиз кенгайиб бораёпти. Албатта ҳали фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп”⁴.

Ҳозирга қадар ўзбек таржимашунослиги ва танқидчилигида француз шеърияти ҳамда унинг таржималари тараққиётининг босқичлари ҳақида кўпроқ тасаввур берадиган нисбатан салмоқлироқ илмий изланиш амалга оширилгани йўқ эди. Бу соҳа адабиётшуносларимиз томонидан етарли даражада ўрганилмай келинаётир.

Шу маънода XX аср француз шеъриятдан қилинган таржималар мавзусига бағишланган ушбу тадқиқот ниҳоятда актуал аҳамиятга эга.

Мақсадимиз, XX аср француз шеърияти таржимасининг сифати ва савиясини, бадиий қирраларини ўрганиб чиқиш, таржимада аслият мазмуни ва шаклининг қай даражада сақланиб қолганлигини таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсадни ойдинлаштириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида диққат қилинди, яъни:

а) француз шеъриятдан рус тили воситасида қилинган таржималарни таҳлил қилишга;

б) воситали таржиманинг умумий қонуниятлари ютуқ ва камчиликларини аниқлаш учун воситачи матнни аслият билан, асл матнни ўзбек тилидаги матн билан қиёслашга;

в) француз шеъриятдан бевосита қилинган таржималарни таҳлил этишга;

г) бевосита ва воситали таржимада миллийлик, ҳамда бадиият қирраларининг, шакл ва мазмуннинг қандай фойдаланганлигини таҳлил қилишга;

д) бевосита таржиманинг воситали таржимадан устунлиги ва афзаллигини илмий жиҳатдан асослаб беришга;

Албатта, ҳар қандай илмий тадқиқотда ҳам мавзунинг ўрганилиш даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилигига жуда катта эътибор қаратилади.

XX аср француз поэзияси ўтмишдаги турли хил анъаналарни давом эттирган ҳолда умумжаҳон адабиёти тараққиётида ўзига хос саҳифани ташкил этади.

⁴ “Халқ сўзи” газетаси. 1993 йил 3 ноябрь.

Шуни айтиш керакки, **агар 20-йилларда ўзбек таржимачилиги ўз йўналишини аниқлаш босқичига кирган бўлса, 30 йилларга келиб эса, у маълум тажрибани қўлга киритди.** Бу йилларда ўзбек поэзиясида Ғафур Ғулом, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари янги истеъдодлар кенг қанот ёзди.

1935 йили Миртемир Виктор Гюгонинг “Машъум йил” тўпламидан “Баррикадада” шеърини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Миртемир таржимасидаги ушбу шеър Виктор Гюгонинг ўзбек тилига таржима қилинган биринчи шеъри бўлди. Шунингдек В.Гюго тўғрисидаги мақолаларнинг энг олдингиси эса 1933 йилга тааллуқлидир.

XX асрнинг 30-40 йилларида атоқли шоир Ойбек Ғарб мамлакатлари адабиётидан, шунингдек Антик шоирлар ижодидан жуда кўп таржималарни амалга оширди. Ўша пайтлари чоп қилинган бир қанча шеърини тўпламлардан француз шоирлари ижодидан қилинган таржималар ҳам жой олди.

Масалан Пьер Жан Беранженинг шеърлари 1941 йилдан бошлаб ўзбек тилида жаранглай бошлади. Унинг тўғрисидаги мақолалар билан эса китобхонларимиз 50-йиллардан буён таниш. Худи шу йиллари ўзбек китобхонларига яна бир француз шоири Луи Арагон ижоди ҳам шоир ва ёзувчи Асқад Мухтор томонидан таржима қилиниб тақдим этилди. Асқад Мухтор Луи Арагоннинг “Москва радиоси”, “Шоир партияга мурожаат қилади” шеърларини рус тилидан ўзбек тилига ўгириб “Шарқ юлдузи” журналининг 1950 йил 2 - сонидан чоп эттирди. Бу шеърда таржимон шеърнинг умумий ғояси ва руҳини тўғри берган. Асқад Мухтор ўз таржимасида шеърнинг рус тилидаги П. Антакольский вариантыдан фойдаланган бўлиб, у шеър матнидаги Роланд, Жанна д’Арк, Бара, Клебер, Вальми каби сўз-реалияларга изоҳлар берган. 1952 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ёзувчилар союзида Виктор Гюгонинг 150 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечада Асқад Мухтор Луи Арагоннинг “Цивилизация”, “Уфқнинг икки томони” деган шеърлари таржимасини ўқиб беради. Таржимон шеърларнинг асосий фалсафий концепциясини тўғри англаган ҳолда Европанинг талон-таровдан иборат “цивилизаторлик” манзарасини тўғри ёритиб беради. Шунингдек Луи Арагон тўғрисидаги дастлабки илмий – танқидий мақолалар ҳам 1950 йилларга тўғри келади.

1969 – 1970 йиллари “Тошкент оқшоми” газетаси “Жаҳон адабиёти хазинасидан” номли саҳифа ташкил этади. Бу саҳифада яна бир француз шоири Жак Превернинг ижодидан намуналар берилади. Шоир Муҳаммадали Қўшмоқов Ж. Превернинг “Тўлқин”, “Турмуш” деб аталган шеърларини, шоир Миразиз Аъзам эса “Ғаройибдан ғаройиб...” шеърини рус тили орқали ўзбек тилига ағдарадилар.

Жак Превер – XX аср француз шеърятининг энг кўзга кўринган, энг машҳур, “омма билан тиллаша оладиган” шоирдир. Жак Превернинг XX аср француз шеърятидагина эмас, балки адабиётида, санъатида, шу жумладан кино санъати ва кино публицистикасида ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳақиқатан ҳам, у замонасининг энг машҳур, энг оммабоп, энг ҳозиржавоб ижодкорларидан бири. Чунки Превер санъатни ҳар кимнинг ҳам қўли етавермайдиган улуғ нарсани деб билади ва шу даражада эъзозлайди.

Яна бир ажойиб француз шоири Поль Элюарнинг эса ўзбек тилида биринчи бўлиб жаранглаган шеъри унинг “Озодлик” шеъридир. Бу шеър шоир Муҳаммадали Қўшмоқов томонидан рус тили орқали ўзбек тилига уғирилган. М. Қўшмоқов таржима учун шеърнинг рус тилидаги П. Антокольский тайёрлаган вариантдан фойдаланган. Шеър М. Қўшмоқовнинг “Қоратол” шеърий тўпламида 1973 йили эълон қилинади. Ушбу “Озодлик” шеъри 1985 йили шоир Тохир Қаҳҳор томонидан иккинчи маротаба ўзбек тилига таржима қилинади. Т. Қаҳҳор ўз таржимаси учун Поль Элюар шеърининг рус тилидаги М. Ваксмахер тайёрлаган вариантдан фойдаланади. Кейинги йилларда эса Поль Элюарнинг ўнлаб шеърлари ўзбек тилида жаранглади.

Танқидчилигимизда эса Поль Элюар тўғрисида ҳозирга қадар бор-йўғи 3 та кичик – кичик мақола мавжуд ҳалос. Улардан энг биринчиси 1979 йили ёзилган бўлиб, шундан кейинроқ эса, яна бошқа айрим тадқиқотчилар томонидан бир неча мақолалар эълон қилинган ҳалос.

Ҳар бир халқ тилида яратилган шеърият шак-шубҳасиз, ўша халқ, миллат учун ўзлигини намоён этиш воситаси ҳисобланади, қолаверса унинг маънавий ва лисоний етуклигини, баркамоллигини белгиловчи мезон ҳамдир. Ҳамма халқлар поэзиясига дахлдор бўлган бундай мунозаралар хусусида фикр юритган таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, профессор Нуриддин Шукуров шундай дейди: “Поэзиямиздаги ранг – барангликнинг реал асосларидан яна бири адабий амалиётда эркин шеър, мурабба шеър, маснавий шеър, рубоий, мухаммас, мусаддас, мусамман, ғазал каби шеърий жанрлар ва шаклларнинг мустақил равишда яшаб ривожланиб келганлигидадир. Уларнинг айримлари янги воқеликнинг ҳамда қардош ва бошқа халқлар поэзиясининг ҳаётбахш таъсири остида янгидан туғилиб, ривожланган бўлса, айримлари анъанавий шаклларнинг ғоявий эстетик салмоқдорлигини янгилаш тарзида ҳаётийлик касб этди. Шунинг учун у ёки бу анъанавий шаклнинг яроқли ва яроқсизлиги ҳақида соф назарий баҳс-мунозарадан кўра маълум ва мавжуд асарларнинг ғоявий эстетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг керакли ёки кераксизлиги, яроқли ва яроқсизлиги хусусида баҳс юритиш ўринли бўлади.”⁵

Гильвик имзоси матбуотда биринчи марта 1938 йили кўринган эди. Ўша вақтдан буён у содда ва ошуфта шоир мақомидан, бу кўркем дунёни ишонч билан англаб, ҳаётни бадиий тадқиқ этувчи моҳир шоир даражасига етишгача бўлган йўлни босиб ўтди. У шеъриятда баъзан ўз оқимидан адашди, бир ерда туриб қолиш ва ҳатто орқага қайтиш азобларини ҳам кўрди, лекин бу изланишларнинг бари охир – оқибатда ижодда илгарилаш бўлиб ўз якунини топди. Гарчи у жуда мураккаб ижод йўлини ўтиб бўлсада, ўз ижод услубини яратди.

Гильвик кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди. Йиллар ўтгани сайин эса уларнинг моҳиятини тобора чуқурроқ англади. Иккинчи жаҳон

⁵ Нуриддин Шукуров. “Бу олам саҳнида”. Тошкент 1982. 229бет.

уруши даврида Гильвик ҳеч бир иккиланишсиз француз “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати”га қўшилди.

XX аср француз поэзиясининг тараққиёт йўлини – сюрреализмни ҳам, 30 – йиллар поэзиясининг асосий тенденциясини ҳам, “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” даври ва ундан кейинги йиллар поэзиясининг асосий жиҳатларини ҳам, француз шеъриятидаги янгича реализмнинг шаклланиш даврини ҳам, бир сўз билан айтганда, XX аср француз шеърияти тарихи ва унинг асосий йўналишларини Гильвик ижодисиз тасаввур қилиш мушқил.

Ўзининг дастлабки асарлари билан Гильвик китобхонларни ҳайратга солди. Чунки у тасвирланаётган нарсаларга ўткир нигоҳ билан разм солар, уларни таҳлил этар, ва ҳатто ўз – ўзича текшириш, тафтишдан ўтказарди. Бу нарсалар кўз кўрадиган, қўлга илинадиган нарсалар бўлиб унинг ижодига кундалиқ турмушдан кириб келарди. Булар: олма, ҳовуз, тош, қуш ва ҳоказолар...

Мисол учун шоирнинг “Чумоли” деб аталадаган шеърини олайлиқ. Одатда бундай синчковлик, табиатни кузатувчанликни ҳамма ижодкорда ҳам бирдай деб бўлмайди. Лекин Гильвикда мана шундай эътиборлиликни, чуқур умумлашмалар ва ҳаётини хулосалар қила билиш, уқиш қобилиятини кўриб ҳайрон қоласиз. Мана, шеърга диққат қилинг.

Ну, стоит ли взгляда
Труп муравья –
Неприметная точка
В зелёной траве.⁶

Ўзбек тилида шеър қуйидагича кўриниш олган:

Шуям гап бўлиди – ю,
Ўлик чумоли –
Яшил ўт баргида
Кичик уч нукта!⁷

Дарҳақиқат, биринчи қарашдаёқ чумолининг кўзимизга ташланадиган жиҳати, унинг майдалиги, гўёки уч нукталиги. Ҳар икки шеър матнига разм солсангиз рус тилида чумоли “неприметная точка” –деб, ўзбек тилида эса, “кичи куч нукта” деб ўгирилган. Бу албатта ўзбек таржимонининг маҳорати. Энди шеърнинг хотима қисмига назар солсангиз, Гильвикнинг шеърини хулосаларини кизиқиб кузатасиз, рус тилида у қуйидагидек:

⁶ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. пер. М. Ваксмахера. М. 1969. стр.197.

⁷ Аср овози. XX аср жаҳон шеърятдан. Тошкент.1988. 75-76 бет. Миразиз Аъзам таржимаси .

Был бы ты покрупней
Этак в тысячу раз,
Да была бы винтовка в руках,

Уж поверь, муравей,
Непременно тогда
Уважали бы люди
Тебя.⁸(2)

Ўзбек тилида эса шеър қуйидагича чиққан:

Лоақал сен минг бора
Йирикрок бўлсанг,
Милтиғинг бўлсайди қўлингда агар,

Ишонгил, чумоли,
У ҳолда албат
Ҳурмат қилишарди одамлар
Сени.⁹

Гильвик аввало шоир файласуф сифатида майдонга чиқди, уни инсон ва табиат дунёси ўртасидаги муносабатлар ҳаяжонга солди. Одам ва умуман жонзот умрининг қисқалиги ўйга толдирди.

Гильвикнинг биринчи шеърий тўплами “Сув ила тупроқдан” номи билан 1942 йили босилиб чиқди ва унга катта шон-шуҳрат келтирди.

Бу китобда шоир фашист жаллодларидан 2-жаҳон уруши даврида қилган хунрезликлари учун тўғридан –тўғри жавоб беришларини талаб қилади. Унинг ғазабли, қатъий, аёвсиз фош қилувчи шеърлари ўзининг шиддати, қуйма, пишиқ мисралари билан танқидчилар томонидан дарҳол тан олинди. Гильвик оригинал ва қийин шоирлар жумласига киритилди.

Айни вақтда у “дада” исёни ва сюрреализмдан кейинги ўтган ўн-ўн беш йил ичида туғилган янги поэзиянинг жарчиси деган обрў орттирди. Гильвик ўзининг бу тўплами билан реалист шоир сифатида майдонга чиқди.

Унинг уруш ва тинчлик мавзусида ёзилган бир қатор шеърлари бор. Шундай шеърлар жумласига Гильвикнинг “Маҳбусликнинг...”, “Биздан кейин...”, “Уларни имкони борица...”, “Шаҳар бўсағасида”, “Кимдир қуйлаяпти...” каби қатор тизмаларини киритишимиз мумкин.

⁸ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. М. 1969. стр.197. пер. М. Ваксмахера.

⁹ Аср овози. XX аср жаҳон шеъриятдан. Тошкент.1988. 76 бет. Миразиз Аъзам таржимаси .

Мисол учун “Кимдир куйлаяпти...” шеърини олиб кўрайлик. Бу шеърда асосан Сукут образи шоирнинг диққат марказида туради. Чунки у уруш азобларини, тутқунликда қолган ўз халқи кўргуликларини бошидан кечирган, зулмга, қонхўрлик ва босқинчиликка қарши кўтарилган француз халқининг “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати”ни кўрган эди.

Масалан, “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” қаҳрамонларидан бири, жасур француз ватанпарвари Габриэл Перини душманлар қийнаб, унинг олдига маълум талабларни қўядилар ва бунинг эвазига асирга ҳаёт ваъда қиладилар. Габриэл Пери эса Сукут сақлашни афзал кўради.

Худди ўша машъум оккупация йилларида, яъни инсон онгини ўлим сиймоси бутунлай эгаллаган фожиаи йилларда шоир Гильвикда вазиятни ўзгартириб, нарсаларни ўз измига бўйсундириш ғояси туғилади. Шу йўсин Гильвик ижодининг бу даврида қаҳрамонларнинг символик фигуралари ва Сукут образи пайдо бўлади.

“Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” йиллари поэзиясида Сукут образига бу қадар ҳурматнинг жонли, асосланган кўринишларини Гильвикнинг қатор шеърларида. Шу жумладан биз юқорида айтиб ўтган “Кимдир куйлаяпти...”, шеърда ҳам учратишимиз мумкин.

Кимдир куйлаяпти –
Балким, сукунатдир.

Сукунат ортида
Кимдир ҳўнграяпти.

Балким, бу Вақтдир.
Изтироб чекаётган Вақт.¹⁰

Шеърнинг рус тилидаги кўриниши қуйидагича :

Кто то поёт –
Тишина, наверно.

За тишиной
Кто –то рыдает.

Это, должно быть
Тоскует время.¹¹

¹⁰ XX аср жаҳон прогрессив шеърляти. Француз шоирлари. Фин шоирлари. Шеърлари. М. Мирзаев ва бошқ. Таржимаси. Тошкент – 1984. 45-бет.

¹¹ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. М. 1969. стр.198. пер. М. Ваксмахера.

Бундай олиб қараганда шеър таржимаси муваффақиятли чиққандай бўлиб туюлади. Шеърда ўзига яраша қандайдир оҳанг, қандайдир руҳ бор. Лекин ўша руҳ шеър охирида уча олмай, менинг назаримда, типирчилаётгандай туюлади.

Масалан: дастлабки икки мисрадаги “кто то” сўзи “кимдир”, деб, “наверно”, сўзи “балким” деб тўғри ўгирилган, лекин охирги икки мисранинг таржимадаги ҳолатига эътибор қилинг. “Должно быть” сўз бирикмаси ҳам ўзбек тилига “балким”,- деб ўгирилган, “время” сўзи эса русча вариантда бор-йўғи бир марта ишлатилгани ҳолда, ўзбек тилида “вақт, вақтдир”, деб икки марта қайтарилган.

Бу такрор гарчи ритмни тўғрилаш, изга солиш учун ишлатилган бўлса ҳам, шундай кичкина кам бўғинли шеърда катта хато бўлиб кўринаяпти. Ҳолбуки, айти шу мисраларни тамомила бошқача қилиб, такрорга йўл қўймасдан таржима қилиш учун ўзбек тилининг қудрати, ифода имконияти бемалол етади.

Ҳар ҳолда биз таржимонга бирор нарсани ўргатиб қўйишни даъво қилаётганимиз йўқ. Лекин унинг ижодидаги бизнинг назаримизда камчилик бўлиб туюлаётган нарсаларни кўрсатиб ўтишни тадқиқотчилик бурчимиз деб биламиз.

Гильвик шеърларининг иқлими гоҳо осойишта. Гоҳо тўсатдан янгилашиб турган бўлса ҳам, лекин уларнинг тузилиш тартиби ва кўриниши кўпинча ўзгармайди.

Фикрда ва сўзда ҳеч бир ҳашамсиз яланғочлик, баъзан бироз беўхшов камсўзлик, мусикадан узоқлик, турли – туман сифатлашларнинг янгилиги, кутилмаганда ғалати, қисқа мисралар ва шу каби тасодифий сўз ўйинлари худди Элюар сингари Гильвик учун ҳам хосдир.

Кўриниб турибдики, Гильвик шеърларида сўзлар қаторга узоқ муддатли танлов-текширувлардан кейин, агар таъбир жоиз бўлса, ёнидаги қўшни сўзлар билан сийпалаб, ўлчаниб, яроқли ва яроқсизлиги синалганидан сўнг қўйилади.

Ҳар бир ибора, сўз, худди қўрғон сингари бир бутун яхлитликнинг мустаҳкам бир қисми каби, эркин шеърнинг нотекис сатҳида ёйилиб туради. Унинг шеърларида кўр-кўрона топилмаларга ишонмаслик ва аксинча аввалдан кўп марта ўйланган, мияда пишитилган нарсаларга ўрин бериш, сўнгра эса усталик билан терилган бадий – назмий иморатнинг меъмори сезилиб туради.

Ўз ижодида Эжен Гильвик тутқунларнинг жимлигини кўп бор қаламга олади. Чунки кўпинча бундай сукут одамлар томонидан инсон ҳаёти ва тирикчилигининг энг ўткир, таъсирли, “гумбурлаб жар солувчи” тасдиғи сифатида тан олинади.

Энди мисол учун шоирнинг ўша сукут дақиқаларини тасвирловчи яна бир шеърини олиб кўрайлик. Ўзбек тилида бу шеър “Уларни имкони борида ...” деб бошланади:

Уларни, имкони борида, тезда
Тақсимлашар биттадан.

Ҳар кимни
Қўйишади жой-жойига.

Бир жойда бўлсам,
Жимлигига чидаб бўлмас уларнинг.¹²

Шу шеърнинг рус тилидаги кўриниши эса қуйидагича тарзда:

Их скоро. По возможности,
Разделяют
И каждого
В свою уложат яму.

Когда они все вместе, их мольчанье
Невыносимо.¹³

Шеър таржимасини синчиклаб ўқиб чиқсангиз, улар анча дуруст ишланганга ўхшайди-ю, лекин ўзбек тилидаги шеърда нимадир етишмаётгандай туюлади чамамда. Келинг яхшиси, шеърда қаламга олинаётган воқеани тасаввур қилиб кўрайлик. Масалан, қандайдир бир овлоқ ўрмон чеккасига асирларни ҳайдаб келтиришди дейлик. Уларни отиб ташлашдан аввал, ҳар бирларига ўзлари учун чоҳ қаздирадилар. Аниқки, улар ўлимга маҳкум. Ўртага қандайдир бир жимлик, машъум сукут чўмади. Ҳар бир асирни ўзи қовлаган чоҳнинг ёнига бориб туришга мажбурлайдилар. Ўртага тушган жимлик – бу, ўлим сукунати. Бу – ҳаёт ва ўлим ўртасидаги, борлик ва йўқлик ўртасидаги сукунатдир. Агар улар бир жойга тўпланса портлаб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг жимлигига чидаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларни битта – биттадан тақсимлайдилар... Айни мана шу вазият шеър қилиб олинган. Ушбу вазиятни шеърнинг рус тилидаги вариантини ўқиганда тушунса бўлади, лекин ўзбек тилидаги вариантини ўқиб, бундай вазиятни тушиниш осон эмас. Нега бундай? Мана шеърни ўзингиз ўқиб кўринг. Унинг дастлабки икки мисраси:

Их скоро,
по возможности,
Разделяют
ўзбек тилига:
Уларни имкони борида тезда
Тақсимлашар биттадан –

¹² XX аср жаҳон прогрессив шеърляри. Француз шоирлари. Фин шоирлари. Шеърлари. М. Мирзаев ва бошқ. Таржимаси. Тошкент – 1984. 45-бет.

¹³ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. М. 1969. стр.198. пер. М. Ваксмахера.

деб, деярли тўғри таржима қилинган. Лекин охирги икки :

Когда они все вместе, их мольчанье
Невыносимо --

мисралари эса,

Бир жойда бўлсами,
Жимлигига чидаб бўлмас уларнинг, --

деб ўзбек тилига анчагина яхши ўтирилган. Лекин шеърнинг асосий

И каждого
В свою уложат яму

мисралари тўғрисида бу сўзни айтиб бўлмайди. Чунки шеърнинг ўзбекча таржимасидаги:

Ҳар кимни
Қўйишади жой-жойига

мисралари рус тилидаги матндан ўз маъно кўлами, ва ҳиссиёт қудратига кўра анча узок.

Агар биз ўзбекча таржимани яна қайтадан рус тилига сўзма – сўз ағдарадиган бўлсак, тахминан ушбу ҳолатни кўришимиз мумкин. Масалан:

Каждого
Ставят на свои места

Манна кўрамизки, қандай ҳолат. Ҳолбуки, М. Ваксмахер таржимасида:

В свою уложат яму –

дейилган. Ўзбек тилидаги “гўр” ёки “чоҳ” билан “жой” сўзларининг бир-биридан ниҳоятда катта фарқи бўлгани сингари, рус тилидаги “места” сўзи билан “яма” сўзининг ҳам бир – биридан фарқи бор. Агар борди-ю, мутаржим шеърни:

Ҳар кимни
Қўйишади жой-жойига –

деб эмас, балки :

Ҳар кимни
Қўйишади ўз чоҳига –

деб, таржима этганда эди, шеър яна бир дунё мазмун касб этган бўлар эди. Мана сизга кўриб турганингиз каби сўзнинг сўздан ер билан осмон қадар бўлган фарқи.

Юқорида айтганимиздек, Гильвикнинг биринчи машҳур шеърий тўплами: “Сув ила тупрокдан” 1942 йили ёзилган. Кейинги йилларда шоирнинг “Амулетлар”(1946), “Ижро варақаси”(1947), “Етишув”(1949), “Ер бахт учун”(1952), “Ўттиз бир сонет”(1954), “Етук ёш”(1955), “Карнак”(1962), “Доира”(1963), “Биргаликда”(1966), “Евклид оҳанглари”(1967) каби қатор тўпламлари чоп қилинди, булар навбати билан ҳозирги замон француз поэзиясидан ўз ўрнини эгаллади.

Ижодда Гильвик нарсаларнинг моҳиятини тушинишга, атрофдаги борлиқ дунёнинг сирларини очишга интилувчи файласуф шоирдир. Ўзининг чуқур фалсафий - моддий, изчил таҳлилий жиҳатларига кўра Гильвик шеърини шартли равишда Пьер Реверди, Андре Френо. Рене Шар ва қисман Жак Превер каби шоирлар гуруҳининг ижодига яқин ва ҳамоҳангдир.

Гильвикнинг ижодий услуби мавжуд воқелик тасвирларининг уйғунлиги ва қатъийлиги билан камсўзлилиқ сўз ва фикрнинг кескин узилиб - бурилиб туриши билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради.

Фикримизнинг исботи учун унинг “Доира” тўпламига кирувчи “Олма” деб аталадиган шеърини олиб кўрайлик. Қуйида шеърнинг оригиналдаги, яъни француз тилидаги нусхаси:

ROND

-Qu est-ce qu'il a donc
De plus rond que la pommé?
-Si lorsque tu dis: rond
Vraiment c'est rond, que tu veux dire
Mais la boule a jouer
Est plus ronde que la pommé

Mais si, quand tu dis: rond
C'est plein que tu veux dire;
Plein de rondeur.
Et rond de plénitude.

Alors il n'y a rien
De plus rond que pommé.¹⁴

Ушбу шеърнинг рус тилига таржимаси қуйидагича:

КРУГЛОЕ .

- Разве что –нибудь есть на земле
Круглее, чем яблоко?
- Если под словом «круглое»

¹⁴ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. М. 1969. стр.179. пер. М. Ваксмахера.

Понимать что – то просто круглое,
Тогда биллиардный шар
Круглее любого яблоко.
Но если ты словом «круглое»
Называешь тугое, плотное,
До краев налитое круглостью,
Круглое сочной тяжестью, -
Нет ничего на земле
Круглее, чем яблоко.¹⁵

Энди худди шу шеърнинг ўзбек тилига қилинган таржимасини қараб
чиқайлик:

О л м а .

Дунёда нима бор,
Олмадан ҳам юмалоқроқ?
Агар “юмалоқ” тушунчаси тагида
Шунчаки, юмалоқ нарсa ётганда,
Оддий биллиард шари ҳар қандай
Олмадан ҳам юмалоқ эрур
Аммо сен бу тушунча билан
Белгиласанг таранг ва қаттиқ,
Шарбатдан тарс ёрилаётган
Қобиғигача юмалоқ бир нарсани, --
Унда бу оламда ҳес нарсa йўқдир.
Олмадан ҳам юмалоқроқ.

Келинг шеър муҳокамасининг яна ҳам қулай бўлиши учун, унинг
оригиналдан бевосита ўзбек тилига қилинган таржимасини ҳам
келтирайлик. Ушбу таржима биз томонимиздан амалга оширилди. Уни
таржима шеър деб эмас, балки сўзма – сўз таржима деб қаралишини истар эдик.

Ю М А Л О Қ .

- Нима экан у, демак
Юмалоқроқ олмадан ҳам?
- Сен ахир кўрдинг – ку: юмалоқ.
Ҳақиқатдан ҳам юмалоқ деса бўлади.
Лекин ўйналадиган шар
Юмалоқроқ – ку олмадан ҳам.
Бирок, ҳеч кўрдингми сен: юмалоқ.

¹⁵ Френо. Гильвик. Из французской поэзии. М. 1969. стр.179. пер. М. Ваксмахера.

Бундай, лиммо – лим, нима деса бўлар...
Тўлик, ҳам юм – юмалоқ.
Юмалоқ ҳам лорсиллаган.
Шундай қилиб, нима у, ўша
Юмалоқроқ олмадан ҳам.¹⁶

Кўриб турганимиздек, биринчидан: ушбу шеърга француз тилида “ROND”- деб, сарлавҳа қўйилган. Бу сўз рус тилида “круглое” ва ўзбек

тилида “юмалоқ” деган тушунчани англатади. Демак, шеърнинг рус тилидаги таржимасига ҳам ва рус тилидан уғирилган ўзбекча таржимасига ҳам нисбатан тўғри бўлган сарлавҳа қўйилган.

Иккинчидан: “юмалоқ” сўзи – бу сифат бўлиб жуда кўп нарсаларга хосдир, айти пайтда эса шоир фикрини, дунёқарашини, ёқлаётган позициясини ёки бир сўз билан айтганда унинг фалсафасини ифодаловчи бир восита – деталь. Ҳолбуки, шу умумий сифат ифодачисини бўлган сўз ўзбек тилига “Олма” тарзида таржима қилинган. Бу сўз аниқ ва конкрет нарсани англатади. Бироқ у ўқувчида фикр ва дунёни тушиниш кўламини чеклаб қўяди. Бу билан таржима шеър Гильвик ижодига хос бўлган фалсафийлик ва умумий хулосалар қилишдек хусусиятдан, аниқроғи, шоир Гильвик услубидан узоқлашади.

Шеърнинг дастлабки икки мисрасини қараб кўрайлик:

Дунёда нима бор,
Олмадан ҳам юмалоқроқ?

Худди шу мисранинг рус тилидаги таржимаси:

- Разве что – нибудь есть на земле
Круглее, чем яблоко?

Ушбу икки вариантни ҳам ўқиб чиққанимиздан сўнг маълум бўладики, демак, рус тилидаги мисраларда ишлатилган “на земле” аниқловчи сўз бирикмаси, ўзбек тилидаги шеър таржимасида “дунёда” – деган кўринишни олиб мисрага сингиб кетган. Лекин асл нусхада бу аниқловчи сўз йўқ, умуман йўқ. Уни рус таржимони кўшган, ундан эса ўзбек таржимони кўчирган.

Маълум бўлдики, агар шеър асл нусхадан эмас, балки ёрдамчи тил воситасида бошқа бир халқ тилига таржима қилинса, таржимон ўша ёрдамчи тил чангалидан чиқа олмас экан. Биринчи таржимон қандай хатога йўл қўйса, иккинчи тилга шу таржимадан фойдаланиб ўгирган таржимон ҳам ғайри ихтиёрий равишда шу хатони такрорлар экан.

¹⁶ XX аср жаҳон прогрессив шеърляри. Француз шоирлари. Фин
Таржимаси. Тошкент – 1984. 37-бет

шоирлари. Шеърлар. М. Мирзаев ва бошқ.

Ушбу шеър таҳлилини давом эттириб, энди унинг кейинги бандини олиб кўрайлик:

- Агар “юмалоқ” тушунчаси тагида
Шунчаки, юмалоқ нарса ётганда,
Одий биллиард шари ҳар қандай
Олмадан ҳам юмалоқ эрур.

Қуйида шу банднинг рус тилидаги варианты:

- Если под словом “круглое”.
Понимать что – то просто круглое,
Тогда биллиардный шар
Круглее любого яблока.

Бу ерда рус тилидан қилинган ўзбекча таржимага биз факат кўшилишимиз керак, холос. Чунки иш қиёмига етказиб маҳорат билан уддаланган. Ҳамма гап эса, асл нусхага бориб тақалади. У ҳақда бирор бир фикр айтиш учун оригиналнинг ҳеч бўлмаса маъносини билиб олишимизга тўғри келади. Шеърнинг ушбу юқоридаги банди француз тилида қуйидагича жаранглайди:

- Si lorsque tu dis: rond
Vraiment c’est rond, que tu veux dire
Mais la boule a jouer
Est plus ronde que la pommé

Худди шу банднинг сўзма – сўз таржимаси:

- Сен ахир кўрдинг – ку: юмалоқ.
Ҳақиқатдан ҳам юмалоқ деса бўлади.
Лекин ўйналадиган шар
Юмалоқроқ – ку олмадан ҳам.

Шуни айтиш керакки, шеър диалог асосига қурилган. Бундан ташқари, Гильвик ушбу шеърда нарсаларга конкрет ёндошувдан кўра, улар тўғрисида кўпроқ умумий фикрлашга интилган, яъни асл нусхада ҳеч қандай “биллиард” шари ҳақида гап йўқ. У ерда умумий юмалоқлик ва юмалоқ нарса ҳақида гап кетади ва ўқувчининг фантазиясини учишга ундаш бор, лекин чеклаш ва чегаралаш йўқ. Русча таржимага асосланган ўзбекча таржимада эса, шеърый фикрни маълум бир томонга, тобора оғиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу нарса бизнинг кўз ўнгимизда яна бир марта воситали усулда таржима қилинган шеърнинг оригиналдан қадам ба қадам йироқлашаётганлигини исботлайди.

Турли кузатишлар натижаси ўлароқ, шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, шеърят, айтайлик насрга нисбатан, санъат, хусусан адабиёт

оламида қайтарилмас ҳодиса. Худди шу маънода шеърнинг бир тилдан иккинчи, учинчи тилга ўтирилмаси эса, ўша ҳодисани қайта яратиш, туғдириш билан баробар. Бутун гап, сир – асрор эса гўё момоқалдиروق пайтида чакмокни пайдо қилиш билан тенг.

Гильвик ҳеч қачон ўргатмайди. Таълим бермайди, орзу – ҳаёлларга берилмайди. Уни ўз қалбининг қатларидаги ўй ва умидлари бутунлай қизиқтирмайди, балки ён – атрофдаги барча моддий нарсаларнинг кўз илғамас томонлари қизиқтиради. У нарсаларнинг моддий қобиғини чуқур ўйчанлик билан шошмасдан силаб – сийпалайди, унинг турли томонларини ағдариб кўради, офтобга солиб қарайди ва шу нарсаларнинг қизғанчиқлик билан одамлардан яшираётган сирларини билмокчи бўлади. Бу нарсалар бизнинг кундалик турмушимизда доимий ҳамроҳимиз бўлганлиги учун ҳам, уларни шунчаки оддий назар билан кўздан кечириш, уларни ҳис қилмасдан, билиб – танимасдан қолдириш ярамайди. Бу нарса эса нигоҳнинг тиниқлигини, ақлнинг зийраклигини, шошма – шошарликсиз мукамалликни, кузатувчанликда оддийлик ва мўлжаллиликини, бор нарсани аниқ ва ишонарли қилиб айта олишни талаб қилади.

Одатда тадқиқотчилар Гильвик услубий эҳтиросларининг бундай мустаҳкам ва доимий эканлигининг сабабларини ахтариб унинг болалигини ва ёшлигини эслайдилар. Чунончи, Гильвикнинг аجدодлари Бретан яқинидаги Карнак номли қишлоқчадан чиққан деҳқон ва ҳунармандлардан эди.

Дарҳақиқат, Гильвикни бир ижодкор сифатида она юрти Бретандан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки Бретан ўзининг ўрта асрларга ҳос афсоналари – ю, аёзли шамоллари, кулранг қоялари – ю, пичоқдай ўткир тошлари билан шоир хотирасида қаттиқ ўрнашиб қолган. У туғилиб ўсган ўлканинг эртақ ва афсоналари, ҳаёлий қаҳрамонлари унинг асарларида қайта – қайта тириладилар, бу нарса унинг китобларида, ижодида аниқ кўринади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Гильвик шеърияти реалистик шеъриятдир. Шу билан бирга рамзий шеърият ҳамдир, у ҳаётни унинг барча кўринишлари билан акс эттиради. У нарсалар воситасида одамлар билан гаплашади, ҳар бир сўз унинг учун дунёни билиш воситаси, ва у ўша нарсалар орқасида доимо одам ва унинг ҳатти – ҳаракатлари ётганини тушинади, бевосита ва очиқ – ойдин одамлар ҳақида бирон нарса ёзишдан эса шоир ҳамиша ўзини четга олади. Ҳар бир ижодкорнинг ҳам ўз “сири” бўлади. Балки бу ҳам Гильвик ижодининг бир сиридир.

Таянч сўз ва ибораларлар:

1. Француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати.
2. сюрреализм.
3. “Сув ила тупроқдан”. 1942.
4. Сукунат образи.
5. Фантазия.
6. “Биллиард” шари.

Топшириқлар:

1. XX аср француз поэзияси тарихидан “Француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” давридаги шиорларнинг ижодига алоҳида эътибор беринг.
2. XX аср француз шеъриятида шаклланган “сюрреализм” мактабининг адабий-бадий хусусиятларини ўрганиб чиқинг.
3. Эжен Гильвик томонидан чоп эттирилган шеърӣ тўпламлар қайсилар эди, этибор қилинг.
4. XX аср француз шеъриятидаги “дада” ҳаракати юзага келиши ва ривожӣ билан қизиқиб кўринг .
5. Шоир Эжен Гильвик услуби нималарда кўринади, эътибор беринг.
6. “ROND” шеърининг билвосита ва сўзма-сўз таржималарига диққат қилинг.

**“Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини Поль Элюарнинг
“Озодлик” шеъри мисолида ўрганиш.**

XX аср Француз шеърияти юксакликка кўтарилиб, Умумевропа шеъриятида пешқадамликни эгаллади. Ўтмиш анъаналарини давом эттирган ҳолда, Гийом Аполлинер, Поль Элюар, Луи Арагон, Рене Шар, Жак Превьер, Робер Деснос, Анри Мишо, Эжен Гильвик каби янгича руҳда ижод қилувчи жаҳонга танилган шоирларни шеърият оламига тортиқ этди.

XX аср француз шеърияти тараққиётида босиб ўтилган барча воқеаларнинг умумий манзарасини, унда яратилган адабий оқимлар ҳамда жанрларнинг хусусиятларини чуқур ўрганмоқ зарур албатта.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, XX аср француз шеърияти ўз тараққиёти давомида ниҳоятда зиддиятларга бой, мураккаб тарихий жараёнларни бошидан кечирган. Бу жараённи кузатиш ва унинг йўналишларини аниқлаш эса, дарҳақиқат XX аср француз шеъриятининг ўзига хос йўлини аниқлаб беришга кўмак беради.

XX аср француз шеърияти тараққиёти тенденциялари ҳақида фикр юритган француз назариётчиларининг кўпчилиги, реалистик адабиёт намуналарини аниқлаш учун ўлчов сифатида инсоннинг маънавий қиёфасини, ҳаётининг ажралиб турувчи жиҳатларини, феъл-атворидаги энг муҳим хусусиятларни, бундан ташқари яна унинг атроф-дунё билан динамик алоқасини бадиий умумлаштиришни асос қилиб оладилар.

Шубҳасиз, ҳар бир инсон шахсига тааллуқли бўладиган бундай сифатлар ижодкор шахсига ҳам хосдир. Бундай сифатлар турган гапки, ижодкор шахси орқали қандайдир даражада адабиётда ҳам юз кўрсатади.

Албатта, бу жуда мураккаб жараёндир. Бундай жараёнлар тизимини ҳар тарафлама ва чуқур мулоҳаза қилиш янгидан – янги умумлашмалар ва хулосалар қилиш учун имкон беради.

Бу ўринда турли кўринишларда акс этадиган, лекин бир-биридан шакл жиҳатидан фарқ қиладиган асарлар ҳам инобатга олинди. Масалага бу тарзда ёндашиш, балки бошқа адабиётшуносларнинг қарашларидан фарқ қилар.

Лекин кўплаб олимлар XIX ва XX аср оралиғидаги эстетик ғоялар ҳақида гап кетганда ижоддаги маҳорат ва анъаналарнинг аҳамиятини инкор қилишга ҳаракат қиладилар. Француз шеъриятида сюрреализмни янгиликнинг асосий, бош йўналиши деб жар соладилар.

Аслида эса, XX аср француз поэзиясининг қиёфасини белгилаб берувчи Аполлинер, Элюар, Арагон, Гильвик, Превьер каби шоирлар ижодида анъанавийлик принципи етакчи ўринни эгаллайди.

Биз гарчи, ушбу илмий тадқиқотимиздаги кузатишларимизни тарихан қатъий бир давр оралиғи билан чегараламасак-да, асосан ўтган асрнинг 20, шунингдек 40 ва 60-йилларида ва ундан кейинги даврлардаги француз шеъриятида пешқадамлик қилган адабий жараёнларга характеристика бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Бу нарса бизга шеъриятни сюрреализмнинг ўта мураккаб, янгиликларга тўла бўлган, нотекис йўлидан қандай қилиб янги ғоявий-эстетик йўналишларга, қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати даври-ю, ундан кейинги модернистик оқимларга ўтиб борганлигини тушинишда ёрдам беради деб ўйлаймиз.

XX аср француз поэзиясида жанрларнинг ранг – баранглиги ҳақида гап кетганда эпик жанр тараққиётининг ҳам илгарилаб кетганлигини таъкидлашимиз лозим. Чунки Арагон ва унга замондош бўлган қатор шоирларнинг ижоди бунга яққол мисол бўла олади.

Маълумки ўтмишсиз бугунги куннинг, бугунги кунсиз келажакнинг қиёфаси ва ранги тўлиқ бўлмайди. Дарвоқе, француз шеъриятининг келажаги, унинг 70 ва 80 йиллардаги равнақида ҳам Арагон ва Элюар каби назм усталарининг ўзига хос таъсири мавжуд бўлиб қолди. Бизнинг бу фикримизни Поль Элюар, Луи Арагоннинг издошлари бўлган француз шоирлари келгуси авлодининг ижоди тасдиқлаши мумкин.

Турли-туман адабий манифестларда “янги”, “замонавий” деган сўзлар қанчалик ўжарлиқ билан қайта – қайта такрорланмасин ёки қандайдир тезлик, ҳовлиқмалиқ оқибатида миллий шеърий нутқнинг қадимий ҳаёт булоқлари унитиб қолдирилмасин, ўтмиш анъаналарига мурожаатнинг кутилганидан ҳам кўпроқ эканлигини кузатамиз.

Зеро бундай анъаналар мудом яшовчан ва шак-шубҳасиз мавжуд. Бугунги замонавий поэзиянинг миллий анъаналар билан қанчалик мустаҳкам боғлиқ ва бундай алоқадан серфайз эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун Л. Арагоннинг В. Гюго ёки Ронсарга бағишланган изланишларини, Э. Гильвикнинг сонет шухратини тиклаш учун ёзган туркум мақолаларини, Робер Десноснинг фольклор тўғрисидаги мулоҳазаларини ёки машҳур сўз усталари Ж. Превер билан Р. Кенонинг ҳозирги француз кўшиқчилигини бойитиш йўлидаги амалий ҳаракатларини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

XX аср француз поэзиясининг яна бир юқори нуктадаги доминант сифатини айтиб ўтишни эсдан чиқармаслик лозим. Кўпинча шеърий образ, метафоранинг активлиги ҳақида ортиқроқ гапирилиб, ўша адабий элементларнинг мазмуни, мағизи, ҳаётий илдизлари тўғрисида гапириш гўёки унитиб қолдирилгандай бўлади, ҳолбуки янги образ ва фикрнинг туғилиши учун юқорида айтиб ўтилганларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Элюар ва Арагоннинг, Сен-Жон Перс ва Рене Шарнинг, Жак Превер ва Пьер Ревердининг, Гильвик ва Марсенакнинг шеърий нутқиға қулоқ тутиб, беихтиёр тарих овозини эшитасан. Уларнинг шеърлари қатидан тарихий ҳаракат ва ўзгаришларнинг муҳим қирраларини, чунончи ҳар икки жаҳон уруши ва инқилобларини, фашизмнинг варварлиги ва антифашистлар курашининг қаҳрамонликларини, кейинги йиллар ҳаётининг ранг-баранг шовқин-сурони-ю, жарангини кўриш мумкин.

Даврнинг ижтимоий курашларида ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётган замондошимизнинг мураккаб руҳий дунёси шоирлар ижодининг бетимсол образларида ўз аксини топмоқда.

Шеърий образнинг янгилигини, шоир китобхонга нисбатан мурожаат қилиб турган пайтдаги ҳис ва ўйларидан ташқарида олиб қаралганда сезиш

қийин. Санъатнинг узоқ йиллик тараққиёти давомида шу нарса аниқланганки асар матнининг, асар яратилган тарихий замон билан ички алоқаси доимо мавжуд.

Бадиий асар турли адабий элементлар, метафораларнинг йиғиндиси эмас, балки ғоявий-эстетик системадир. Бу системада лирик қаҳрамон характери ҳам, объектив ва субъектив жиҳатларнинг уйғунлиги ҳам, фантазиянинг ҳақиқатдан узоқ ва яқинлиги ҳам, автор интонациясининг ўзига хослиги ҳам, шунингдек асарнинг лексик ва ритмик моментлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари поэзияда бадиий мазмуннинг диапазони фақатгина образли лексик системага эмас, балки шеърда махсус функцияни бажарадиган мушаккабийлик ва оҳангдорликка ҳам боғлиқ.

XX аср француз шеърининг бир қанча вакиллари ижодида, масалан Аполлинер, Элюар, Рене Шар, Гильвик, Превьер ижодида шу нарсани кўриш мумкинки, улар ўз асарларида лексик бирликларнинг классификациясини аниқ ҳисоб-китоб қилиб борадилар.

Бироқ китобхон бу шоирлар ижодини ўқиётганда шеърларнинг эмоционал характерини сезмаса, бадиий элементлар ва метафораларнинг қандай ғоявий-эстетик мақсадга хизмат қилаётганлигини англаб етмаса, ҳатто шеърни тузукроқ қилиб ҳам ўқий олмайди, оҳангини бузади, маъносини тушиниб етмайди. Китобхон қачон асарни тўласича, тамомила тушиниб етсагина, унинг тарихий воқелигига сингиб, уни тўғри тушунади, акс ҳолда эса асарни бир томонлама, демакки нотўғри талқин қилади.

Ва айтиш керакки, аниқ тарихий ёндошув ҳолатидангина фалсафий, психологик, социал ва бадиий жиҳатларнинг бирлигини кузатиш мумкин. Ва яна баъзи айтиш керакки, инсон шахсияти ижтимоий қонунларини тушунишга ёрдам беради.

Сўнги 60-70 йиллардаги француз авангардизми оқимининг тилга нисбатан “этиборини” шу нарса билан ҳам изоҳлаш мумкинки, унда бир томондан тилнинг аҳамияти маъхумлаштирилса, иккинчи томондан уни ҳис, фикр ва сўз бирлашиб кетган, ритм ва образ уйғунлашиб кетган мураккаб ғоявий-эстетик системадан ажратиб олмоқчи бўладилар.

Бу ерда тилнинг бундай ихтисослашгани унга нисбатан ишончсизлик деб англаш мумкин. Дарвоқе, ҳеч қачон реалист ижодкорлар асарнинг шакли ёки услубини иккинчи, учинчи даражада деб билмаганлар. Улар бу соҳани умумнинг бир қисми деб олиб қараганлар. Сўз жуда катта маъно ва мазмун салмоғини ўзида ташиydi деб билганлар. Реалист санъаткор шакл соҳасидаги янгиликнинг аҳамиятига шубҳа қилмайди, лекин уни асарнинг умумий мазмун – моҳиятига қараб баҳолайди.

Реализм принципларини модернизм принципларидан фарқлаб турадиган чегара, фақат ижодкорнинг яратилаётган асарнинг тили ва шаклига қай даражада этибор қилаётганлиги билангина аниқланмайди, балки мана шу этиборнинг қандай, юзакими ёки асарнинг ич-ичига тааллуқлими эканлиги билан ҳам аниқланади.

Бу ердаги фарқ микдорга эмас, сифатга кўпроқ алоқадор. **Микдор йўлидан сюрреализм ҳаракатланган бўлса, сифат йўлидан ўзининг ранг-баранг оқими билан реалистик поэзия ривожланиди.**

Кўплаб шоирлар гарчи авангардлик руҳидаги тўғаракларнинг дастлабки чиқишларини кўллаб - қувватлаган ва унга ўз хайрихоҳлигини билдирган бўлсалар ҳам, ўз ҳаракатларини, ўз ижодий тажрибаларини ўша тўғаракларнинг программалари билан чеклаб қўя қолмадилар. Бу нарса француз поэзиясидаги содир бўлаётган жараёнларнинг мураккаблашувига сабаб бўлди.

Суронли замоннинг шавқатсиз таъсири натижасида инсон руҳиятини қайта қуриш, даврнинг ижтимоий ўзгаришларини асов шеръий сўзнинг қатқатига жойлаш, инқилобий вазиятни англаш – булар ҳаммаси шоир учун баъдийят сирларини тушиниб етиш, маҳорат негизидир.

Кези келганда шу нарсани очик айтиб ўтиш лозимки, Элюар, Арагон, Рене Шар, Робер Деснос каби шоирларнинг ҳар бири ўз ижодининг маълум бир қисмини сюрреализм ижодий мактабининг аъзоси сифатида ўтказдилар ва улар бу гуруҳ программасининг жуда чекланган эканлигининг гувоҳи бўлдилар.

Шунинг учун ҳам бу шоирлар сюрреализмдан воз кечдилар. Бу шоирларнинг кейинги ижодий изланишлари ниҳоятда баракали бўлди ва реалистик поэзия имкониятларини номойиш қилди.

Маълумки сюрреализм мактаби ижодкорлари механик услубдан фойдаланиб, автоматик тарзда турли геометрик фигуралар яшашни ҳам ўз тажрибаларидан ўтказган эдилар. Луи Арагон, Тристан Тзара, Робер Деснос, Рене Шар, Рэмон Кено, Поль Элюар сингари шоирлар ҳақиқий санъатнинг автоматик ижод билан муроса қила олмаслигини тасдиқлади.

Ижодини асримизнинг 20-йилларида бошлаган юқори авлод француз шоирлари ёшларга, агар ҳар қандай конкрет шароит мураккаб шеърий тилни талаб қилганида ҳам биқиқлик ва герметизм қийинчиликларини албатта енгиб ўтиб, бир-бирини тушиниш сари интилишни васият қилиб қолдирди.

Чекига оғир синовлар тушиб, тўплар гумбирлаб турган бир шароитда ижод қилган ўрта авлод ижодкорлари эса, ҳеч шак-шубҳасиз бу тушиниш доирасини агар таъбир жоиз бўлса, тушиниш эстетикаси доирасини янада кенгайтирдилар ва кейинги ўн йилликлар давомида шеъриятда реал ҳаёт билан жипс қилиб боғладилар.

Поль Элюар, Пьер Жан Жув, Сен-Жон Перс, Пьер Реверди, Жюль Сюпервьел ва Рене Ги Каду сингари шоирлар ҳаётдан кўз юмганларидан кейин, 60-йиллар Франциясида энди эстафетани ким қабул қилиб олади-ю, улар қандай шоир бўладилар ва ўтмиш авлод ижодини қандай баҳолайдилар деган савол кўндаланг эди.

Янги авлод даврнинг қарама-қаршиликларига, чунончи сюрреализмнинг ўзига тортувчи сеҳри-ю, заифликларига, соф санъатга ошиқлиги, унга нисбатан нафратга қандай муносабатда бўладилар. Сал кейинроқ эса илгари гўё ҳал этилган каби туюлган саволлар яна қайтиб қад ростлади, жумладан: шеър сиёсат билан чиқиша оладими? Шоирга ката аудитория керакми? Туткинлар озод этилганидан сўнг қаршилик кўрсатиш анъаналари давом эттирилиши керакми? Бу каби ўнлаб саволлар ёш ижодкорлардан ўзининг ҳал этилишини кутиб турар эди.

60-йилларнинг ўрталарида “Нувел критик”, “Леттр франсез”, “Эроп”, “Нувел литерьер”, “Нувел ревью франсез” каби Франциянинг қатор адабий нашрлари янги шоирлар авлоди ҳақида деярли бирданига баҳс юрита

бошладилар. 60-йилларда шоирлардан Мишель Деги “Ярим орллар”(1962), “Ҳа деб айтиш”,(1969) сингари, Жак Рубо “Эпсилон”(1967), Жан Пьер Фай “Дасталанган гуллар”(1965), Франк Венай “Ҳужжатлар”(1966), Д. Белле “Умумий ҳаммом”(1960), Доминика Гранмон “Замон ранги”(1966), Бернара Варгафтиг “Етуклик арафаси”(1967) каби китоблари билан адабиётга кириб келдилар.

60 ва 70 – йиллар француз шеърлятида Рэмон Кено, Жак Рубо, Жак Превер сингари шоирларнинг номлари алоҳида кўзга ташланди. Бу шоирлар ўша йилларда мавжуд бўлган шеърӣ гуруҳ ва оқимларда яловбардорлик қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Франциянинг мағлубиятга учраганлиги унинг барча сарҳадлари душман қўлида қолишига сабаб бўлди. Бутун Франция бўйлаб ватанпарварларнинг душманга нисбатан “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” авж олиб кетди.

Мамлакатнинг ўрмон ва тоғларида, адир ва кишлоқларида душманга қарши озодлик учун кураш бошланди. 1941 йилнинг Май ойида ягона мақсад йўлида курашаётган “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” бир ташкилотга бирлашди ва “Франциянинг озодлиги ва мустақиллиги учун миллий кураш fronti”, - деган ном олди.

Бу ҳаракатга кўплаб француз шоир ва ёзувчилари қўшилдилар. Улар сафида Поль Элюар, Луи Арагон, Эжен Гильвик сингари кўплаб шоир ва ёзувчилар ҳам бор эдилар.

XX аср француз поэзиясининг бутун бир даврини Поль элюар ижодисиз тасаввур қилиш қийин. У миллий маданият анъаналарига бир умр содиқ қолиб замондошлари билан ҳамнафасликда халқлар озодлиги ва интернационализм ғояларини куйлади, инсоният бошига офат келтирган фашизмни лаънатлади, ҳаётнинг маъносини севги ва муҳаббатда деб билди ва уни ўзига хос овозда тараннум этди.

Биринчи жаҳон уруши, унинг иштирокчиси бўлган Поль Элюар ҳаёти ва ижодининг шаклланишида катта мактаб вазифасини ўтади. Шоир ўзининг “Бурч ва ҳаяжон”, “Урушсиз кунларга аталган шеърлар” тўпламларидаёқ, урушнинг нақадар даҳшат, одамлар бошига қирғин келтирувчи вабо эканлигини таъкидлаганди. У ойлаб, йиллаб окопларда милтиқ билан судралган, очлик ва совуқдан тинкаси қуриган, хотин ва болаларидан узоқда бўлган ожиз одамлар қиёфасини ачиниш билан сатрларга туширади.

Элюар солдат сифатида I- жаҳон урушидан тўлиқ бир дафтар шеърлар билан қайтди. Бу шеърларда унинг окопдаги ҳаётдан, мавжуд тартиб ва шарт-шароитлардан чарчаб безганлиги сезилиб турар эди. Қонли уруш унинг сабр-тоқатиға чек қўйган эди. Мана шундай алғов-далғов дунёда шоирнинг ўз уйи, хотини ва болаларини соғиниб битилган мисралар айниқса диққатға сазовор.

Поль Элюар дастлаб санъат ва шеърлятда ҳукм сурган “дада” ҳаракати кенйинчалиқ эса “сюрреализм” оқимида қалам тебратди. Дадаизм ҳам XX асрнинг дастлабки даврларида мавжуд турмушға, унинг расмиятчилигига, амалдор ва ҳукмдорларига, уларнинг маишати ва дунёқарашига норозилик билдираётган исёнкор гуруҳлардан бири эди.

“Дада” ҳаракати аслида исён тушунчасидан пайдо бўлган бўлиб ўша пайтда унга жуда кўп ёшлар бириккан эдилар. Бу ҳаракат кишидан ҳеч нарсани тан олмасликни, жамият қонунларига бўйсунмасликни талаб этар эди. “Ҳаракат иштирокчилари на мантиқ, виждон; на Ватан, ахлоқ; на оила, дин; на озодлик, қон-қардошликка қарамасдан, уларни тан олмасдан, шахсдан ўз вужудининг энг чуқур ички талабларига тамомила бўйсунишни, ўзбошимчаликни талаб этар эдилар”.¹⁷

Лекин бу адабий ҳаракатнинг умри қисқа бўлди. 1923 йилдаёқ у йўққа чикди. Чунки дадаистлар маъносиз иборалар, тўмтоқ ва чучмал сўзлар билан шеърятни соддалаштиришга уринган эдилар. Поль Элюар, Луи Арагон, Роббер Деснос, Жак Превер каби кўплаб талант соҳиблари, шоирлар бундай сатрбозликдан воз кечдилар. Аммо юқоридаги шоирлар учун бу давр – қизғин тажриба ва инқироз даври, агар таъбир жоиз бўлса, инқирозли ўсиш даври бўлди.

Аслида “дада” ҳаракати ғарб цивилизациясига қарши қаратилган исён эди. Ва бу кўзғолон Элюар ва унга ҳамфикр бўлган ижодкорлар дунёқарашида ўзгаришлар ҳосил қилди. Бу эса уларнинг кейинги интилишларига сабаб бўлди. Адабиётда “дадаизм” ўрнига “сюрреализм” деб ном олган янги адабий оқим майдонга келди.

Бошқа сюрреалистлар каби Поль Элюар ҳам бу йилларда Анри Барбюснинг “Кларте” гуруҳида иштирок этиб, империалистик ҳаракатга қарши турди. Европада бош кўтариб келаётган фашизмни фош этишда актив қатнашди. Шу йиллар маҳсули бўлган “Бирдамлик” ва “Генриклар ғалабаси” тўпламларида Поль Элюар испан халқининг фашизмга қарши курашини қўллаб – қувватлади, улардан тушган қалам ҳаққини ватанпарварларга юборди.

Поль Элюарнинг актив гражданлик табиати кўп воқеаларда ўз самарасини кўрсатди. Бунга мисол қилиб “Ойдинлик” деб аталадиган сўл журналда эълон этган мақолаларини, Франциянинг Мароккога қарши босқинчилигини қоралаб қилган чиқишларини, Прагадаги, қамал қилинган Мадриддаги сўзлаган нутқлари ва шу қабиаларни келтиришимиз мумкин. У тинчликсевар кучларнинг толмас қатнашчисига айланди.

1924 йилнинг декабрь ойидан бошлаб Парижда “Сюрреалистик инқилоб” номли журнал чиқа бошлади. Бу жариданинг чиқиши адабиётда янги бир оқим пайдо бўлганлигидан дарак берар эди.

“Сюрреализм” бу пайтда ўзининг бузиб-янчиш босқичидан ўтган ва қандайдир бир янги ибтидони бошлаш учун изланишда эди. Бу оқим адабиёт, тасвирий санъат, театр ва кинода навбатдаги мактабга асос солибгина қолмасдан, ижодда янада кенгрок илмий-фалсафий қатлам очиши, яъни бадиий образ ижодкорлиги техникасини яратиши ва охир-оқибатда ҳаётни ўзгартириши керак эди.

Тристан Тзара. Андре Бретонлар етакчилигидаги бу оқимга Луи Арагон. Роббер Деснос, Жак Превер, Рэмон Кено. Рене Шар сингари кўплаб шоирлар қўшилдилар.

¹⁷ Балашова Т.В. Фольклорная традиция и новаторства в поэзии французского авангарда. М. Наука. 1990. с. 79.

Поль Элюар ҳам дадаистлардан ажралиб сюрреализм оқимига келиб қўшилди ва бу оқимнинг кўп йиллар фахри ва башоратчисига айланди.

Лекин Поль Элюар сюрреалист эди деб айтиш, унинг тўғрисида ҳеч нарса айтмаган билан баробар. Одатдаги ҳар бир ижодкорда учрагани каби у ҳам ўз мактабининг чегараси ва қолипига сиғмай қолди. Сюрреализм ижодкорлари Зигмунд Фрейд ғояларига шўнғиб кетдилар.

Маълумки, улар бадий ижодда ақлнинг устунлигини бутунлай инкор қилиб, “билвосита” билиш ғоясини илгари сураб эдилар.

Элюар бу пайтда ўз қалбининг тўлғонишларидан, изтироб ва қувончларидан, туш ва ўйларидан озик ахтарар ва ижодкорлардан бирданига, бир нафасда ёзилган нарсаларга тегинмасликни, уларни ўчириб ташламасликни илтимос қилар эди. Чунки, “ўйлаб, масхара қилиб ўтирмай бир лаҳзада ёзилган нарсалар қалбнинг энг чуқур ҳиссиёт ва тўлғонишларига яқин, демакки, самимийроқ, ҳаққонийроқ, яъни: ёлғон тасаввур уйғотувчи нарсалардан узоқ дер эди”.¹⁸

Элюар автоматик хатни шоирнинг шеъри билан бир қаторга қўйишни хоҳламади. Унинг шеърларида бир-бири билан мантиқан уйғун бўлмаган турли-туман образ ва ассоциацияларни учратсак ҳам, лекин уларни ҳамиша ҳаёт ҳақиқати билан мос келганлигини кўрамиз.

У: “шеър – маълум бир ирода – ҳаракатнинг мўъжизаси, шоир қалбидаги умид ёки аламнинг акс садоси”,- дер эди. Шеър ўз елкасига маълум бир қатъий вазифани юклаган ҳолда фақат чуқур мулоҳаза ва меҳнат орқасидангина пишиб етилиши мумкин.

Поль Элюарнинг шеърларида баъзан композицион жиҳатдан биров зўрма-зўракилик мавжуд бўлса ҳам, лекин авторнинг фикри ва мақсади ниҳоятда теранлик ва топқирлик билан баён қилинганлиги эътиборни тортади.

Худи мана шу ерда, яъни Элюар ижоди ҳақидаги фикрларимиз шоир шеърининг ҳақиқий матни ва поэтик асосларига келганда, биз Элюарнинг сюрреалистлар билан ажралиш нуқтасини кўрамиз.

Бу нуқта яна ҳам юқорироқ босқичга кўтарилиб Элюар билан сюрреалистларнинг тамомила бўлинишига олиб келди. Бунинг сабаби шундан иборатки, **сюрреалистлар фақат автоматик ижод принципларинигина тан олар, гражданлик руҳидаги сиёсий позицияни эса, маълум мантиққа бўйсунди деб инкор қилар эдилар.**

Кейинчалик шоирнинг “Қайғу пойтахти”(1926), “Муҳаббат поэзияга”(1929), “Ҳаётнинг ўзи”(1932), “Ҳамма учун атиргул”(1934), “Маҳсулдор кўзлар”(1936), “Нарсаларнинг табиий оқими” (1938) номли кўплаб китоблари дунёга келди. Айниқса “Қайғу пойтахти” шеърлар тўплами унга ката шухрат келтирди.

Агар Элюар сюрреалистлар даврасини Деснога, Преверга, Кено, Шар, Тзара, Арагонга нисбатан бир неча йиллар кейин тарк этган бўлса-да, унинг сюрреалистлардан 1932 – 1933 йиллардаги ажралиши катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу ерда шуни айтиш лозимки, Элюарнинг ўз йўлдошларидан мустақиллиги нисбий бўлиб, унинг китобларидаги сюрреализмни инкор

¹⁸ Великовский С. И. В скрещенье лучей. М. 1987. стр. 67.

қилиб бўлмайди. Бироқ уларни мутлақо сюрреализмга тенглаб қўйишнинг ҳам иложи йўқ. Ҳақиқат эса яна ҳам мураккаброқ ва у Элюар лирикасининг ичига кириб боришни талаб этади.

Элюар шеърляти 20 – йилларнинг ўрталарида қай тарзда таркиб топган бўлса, 40 – йилларнинг бошларида ҳам ўз заминини ўзгартирмасдан шу тахлитда қолди. Элюар француз лирикасида Бодлер, Рембо, Малларме замонасидан бери давом этиб келаётган Аполлинер ва унинг сафдошлари томонидан қайта тикланган ижодий тасаввур тўғрисидаги анъаналарнинг энг содиқ давомчисига айланди.

Элюар, одатда ўз ижодида бугун ёки мутлақо илгари бўлиб ўтган воқеадан, воқеийликдан, ўй ва ҳаёллардан, ҳикоявийликдан қочади. У ўз ижодида, ўз тўқималарида, кичик бир коинотни яратишга ҳаракат қилади. Лекин бу коинот – олам ҳеч бир тарихий ва ҳаётий нуқтага боғланмайди, бирон – бир ташқи вазиятга, ҳолатга муносабат билдирмайди. Элюар учун гўёки ташқи воқелик ҳеч қачон мавжуд бўлмагандек, шунинг учун ҳам унинг ижодида риторикани, инсоний манзаралар тўғрисидаги ҳаётий мулоҳазаларни учратмайсиз.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бутун Европа халқлари ҳаётида туб бурилиш ясагани сингари Поль Элюар ижодида ҳам ўз сифат ва йўналиши жиҳатидан алоҳида янги бир саҳифа очди. 1939 йили шоир Ватан ҳимояси учун армияга сафарбар қилинади. Лекин бу уруш француз халқи учун кўз очиб - юмгунча миллий фалокатга айланди.

1940 – йилнинг ёзида Париж устида қайрилма крест тамғали – фашист байроғи ҳилпирай бошлади. Табиийки, Элюарни тутқунликда қолган Ватанининг тақдири қаттиқ қайғуга солди.

У Франциянинг озодлиги учун курашга отланди. Шоирнинг **“1942 йил ҳақиқати ва шеърляти”** номли тўплами тутқунлик йилларидаги **“Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” шеърлятининг** энг ажойиб намунасидир.

Қақшатгич оккупация йилларида Элюар 20-30 йиллардаги ўз лирикасининг бош мавзуини яна ҳам кенгайтди.

У куйлади, куйлаб ўз юрти – Францияни, унинг одамларини, беғубор осмонини ҳимоя қилди. У аёлга бўлган муҳаббатнинг турфа ранглари, гоҳ ғамгин, гоҳ гўзал севги дақиқаларини куйлади. У I – жаҳон уруши хандақларида орттирган дўстлари хотирасини ҳимоя қилди.

Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати поэзияси Поль Элюар учун унинг ижодида 30 – йиллар ўртасида пайдо бўлган ғояларнинг мантиқий давоми эди, чунки у яқиндагина республикачилар Испаниясининг қаҳрамонларини ҳам ўз шеърларида улуғлаган эди. Бутун мамлакат ва миллат учун умидсиз оғир кунларда Поль Элюар душманларнинг заифлиги ҳақида сўз юритади.

У: “инсон ва инсониятнинг йўли – умидлар зинасидир”, дейди. Бундай ишонч Поль Элюарга ҳамиша қўл келди.

“Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати” йилларида Поль Элюар поэзияси янада курашчан руҳга кирди. “Охирги тун”, “Очиқ китоб”, “Поэзия ва ҳақиқат”, “Уруш давридаги муҳаббатга бағишланган шеърлар”, “Яшашга лойиқ”, “Фашистлар билан юзма-юз” каби қатор шеърӣ китобларида у

халқнинг II- жаҳон уруши йилларидаги қаҳрамонликлари, ватанпарварлик хислатларини мадҳ этди.

Поль Элюарнинг “Озодлик” шеъри 1942 йилда қамал қилинган Франция территориясига самолётдан варақа қилиб тарқатилди. Унинг “Фашистлар билан юзма-юз” китоби эса уруш даври француз поэзиясининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Чунки бу тўпламдаги шеърларида шоирнинг юксак маҳорати ва француз адабиёти анъаналарига содиқлиги ёрқин акс этди. Поль Элюарнинг “Озодлик” деб номланган машҳур шеъри “1942 йил ҳақиқати ва шеърляти” тўпламидаги шеърлар жумласига киради.

Ушбу шеърда Поль Элюарнинг шоирлик маҳорати айниқса яққол намоён бўлади. Шеърни ўқир экансиз, унда сиёсий шеър билан ишқий фалсафий шеър йўллари ва усуллари бир – бирига қўшилиб кетганлиги сезилади.

Дарҳақиқат, ушбу шеърда мактаб ўқувчисининг дафтари ҳам, кундалик нон-насибаси ҳам, кўлдаги қуёш акси ҳам, ёниқ чироқ ҳам, итнинг беуқув панжаси ҳам – бари барчаси маълум гоё атрофида ўзининг узвий боғланишини топади. Шеърнинг бутун руҳиятини англаш, шираси ва рангдорлигини ҳис қилиш учун уни оригиналда ўқиганга не етсин. Бу нарса айниқса шеърни ўз она тилига ўтираётган шоир таржимон учун жуда муҳимдир.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, бир неча ўн йиллар давоми – да ўзбек тилида жаранглаган Ғарбий Европа шоирлари шеърларининг асосий қисми рус тили воситасида ўзбекчага ўгирилган шеърлардир.

Кўпчиликка маълумки, таржима адабиётида шеър таржимаси нисбатан қийин жабҳа ҳисобланади. Айниқса, шеър таржимасида асарнинг матнидаги руҳни, жарангдорликни, ифода воситаларини сақлаб қолиш, қайта яратиш жуда мушқил. Бу мушқилотни эътироф этмасликнинг иложи йўқ.

Лекин шу нарсани ҳам қайд этиш лозимки, шеърят таржимасида фақат шу усул билан чекланиб қолинаётганлиги йўқ, балки бир таржима асар асосида худди шу асарнинг ундан бошқа яна янги таржималари яратилмоқда. Бундай усуллардан бири воситали таржима усулидир.

Француз поэзиясининг бир қанча танқидчи ва таржимонлари Поль Элюар поэзиясини таржима қилиб бўлмайдди, чунки бу шеърят бетакрор шеърят дер эдилар. Масалан, француз адабиётининг ката билимдони Илья Эренбург бу фикрни такрор-такрор айтган эди.

Шоир шеърларида образнинг қиёфаси чизила борар экан, Элюар бир-бири билан мантиқан зид келадиган, маъно кўламига кўра сира қовушмайдиган сўз ва мисраларни бир-бирига пайванд қилади.

Асл нусхадаги бундай вазиятни кўрган китобхон лол қолади, ажабланади. Худди шундай нарсаларни таржимада кўрганда эса, бу ҳолни таржимоннинг нўноқлигига йўйишга мойил бўлади. Элюар ўз ижодида доимо оддийликка интилади ва бу оддийлик унинг мисраларида янгича маъно касб этади.

Элюар поэзияси ҳижо ва оҳангининг мукамаллилиги, қойилмақомлилиги, бетакрорлиги, гоҳида эса такрорийлиги билан ажралиб туради. Баъзида, ҳаттоки шеърнинг сарлавҳалари ҳам рифма ва аллитерациялар асосига қурилади. Шунинг учун ҳам шеърнинг яралиши ва

таржимаси ҳар қандай ижодкордан ниҳоятда нозик иқтидорни талаб этади. Элюар шеърларига хос бўлган енгил, оҳиста шовқин, ранглардаги ўзига хос жило ҳар қандай таржимонни ҳам эсанкиратиб қўяди.

Элюар ижодининг рус адабиётидаги М. Ваксмахер, М. Кудинов, П. Антокольский, С. Бобров каби ва ўзбек адабиётидаги М. Аъзам, М. Қўшмоқов, Т. Қахҳор ва бошқа шу каби таржимонлари бу сирга ошно бўлган ошуфта таржимон шоирлардир.

Биз қуйида диққатингизга Поль Элюарнинг француз тилидаги ўша машҳур “Озодлик” шеъри, ундан таржимон Павел Антокольскийнинг рус тилига қилган ўгирмаси ҳамда рус тили орқали ўзбек тилига шоир Муҳаммадали Қўшмоқов томонидан амалга оширилган таржимасини ҳавола этамиз.

Ушбу шеър таржимасини асл нусха билан қиёслар эканмиз, француз шоири агар шеър йигирма бир банддан иборат бўлса, унинг охирги бандидан ташқари ҳар бир бандида ўз фикрини “Мен сенинг номинг ёзаман” мисраси билан тугаллаганлигини кўрамиз. Фақат шеърнинг охиридагина “озодлик” сўзини алоҳида ҳолатда тилга олади. Бу билан шоир шеърнинг ҳар бир бандида ўқувчини шу сўзни эшитишга, қабул қилишга аста-секин тайёрлаб боради.

У “озодлик” сўзининг маъносини жуда кўп нарсаларга, тушунчаларга сингдиради ва айна пайтда бу сўзнинг аҳамияти нақадар муҳимлигини ниҳоятда оҳисталик ва салмоқ билан таъкидлаб кўрсатади. Поль Элюар шеърнинг бирон-бир ерида ҳеч қандай тиниш белги ишлатмайди. Балки мисралар ўз ҳолича равон қуйилиб келаверади. Фақат “озодлик” сўзи айтилганидан сўнггина нуқта қўйилади ва шеър тугайди.

Элюар ижодини кузатиб борар экансиз, унинг ижоди ҳам худди ҳаёти сингари ниҳоятда мураккаб кечганлигининг гувоҳи бўласиз. Зеро у яшаган даврнинг ўзи чандон тмураккаб эдики, замона мураккабликлари беихтиёр унинг кузатувчиси, мухлиси, ҳақиқий ошиғи бўлган Элюарнинг шеърӣ тасвирларида ўз туси ва рангини кўрсата бошлади. Бу нарсанинг ўзи алоҳида бир мавжуд воқелик бўлса, бундан ташқари яна бир нарса борки, у ҳам ўқувчининг эътибори ва эътирофини қозониши табиӣ бўлган воқеликдир.

Бу масала, ҳар қайси ижодкор дунёни қай тарзда қуриши ва қай йўсинда тасвир этиши масаласидир. Ушбу нуқтаи назардан олиб қараганда Поль Элюар ижоди ўзининг серқирралиги билан кишини қувонтиради. Элюарнинг нисбатан узок бўлмаган умри ва кўп йиллик ижоди давомида бўлиб ўтган ҳар икки жаҳон урушидан кейинги йилларда, яъни Европа саҳнасида осойишталик онлари кечаётган пайтда шоир ижодида гоҳ минг хилдаги ҳаёт мавзулари, ранг баранг кўринишдаги турмуш вазиятлари табора кўпроқ ўрин эгаллай бошлади.

Элюар лирикаси автобиографик характерга эга эмас. Чунки уни бошқа эҳтиросли шоирларни ўйга толдирадиган нарсалар ташвишлантормайди. У турли ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши ва сўнишига эътибор қилмайди, у хўрсинишлар, афсус-надомат, рашк, камситиш, майда-чуйда гап-сўзлар, ҳақоратомуз мағрурлик, ажралиш, кечириш сингари инсон руҳиятининг кўринишларига нисбатан диққат тўплаб ўтормайди.

Лекин Элюар лирикаси ҳеч шак-шубҳасиз, ҳаётий одамга, унинг қалбига хос. XX аср бошидаги француз поэзиясида, шахсий поэзия ўз умрини ўтаб

бўлди деган акида ҳукмрон эди, шунинг учуни ҳам Элюар лирикасида умумийлик, муштараклик руҳи устивор.

Лекин бу умумийлик XIX аср ўртасида парнасчиларда бўлгани каби шеъриятдаги шахсизликни англатмайди. Элюар китобларининг қатидаги кўплаб шеърларда фақат бир кишининггина эмас, балки ҳамманинг мулки бўлган, айтиб бериш кишини бутун бир жамият билан боғлайдиган хусусиятлар ва бир киши тимсолида барча инсониятни жам қиладиган жиҳатлар тўғрисида сўз боради.

Ўхшашлик алоҳидаликка барҳам беради. Бир одам ҳамманинг номидан гапиради, биргина тошда барча тошларга хос бўлган хусусиятларни, биргина дарахтда барча дарахтларга, бутун ўрмонга хос бўлган нарсаларни кўриш мумкин бўлади. Турли лаҳзалардан, предметлардан иборат биргина умр, турли ҳаётлардан – умрлардан иборат умумий ҳаёт .

Пол Элюар ижоди бидан француз шеъриятидаги бутун бир давр якун топади.

Поль Элюар томонидан қайси анъаналар давом эттирилганлигига қараб Верлен, Рембо, Лотреамон, Аполлинер изланишларини аниқроқ тушунса бўлади.

Поль Элюар ҳам худди улар сингари фожевий қийноқ ва синовларнинг бутун бир даврини ўтади.

Ажойиб француз шоири Поль Элюарнинг эса ўзбек тилида биринчи бўлиб жаранглаган шеъри унинг “Озодлик” шеъридир. Бу шеър шоир Муҳаммадали Қўшмоқов томонидан рус тили орқали ўзбек тилига утирилган. М. Қўшмоқов таржима учун шеърнинг рус тилидаги П. Антокольский тайёрлаган вариантыдан фойдаланган. Шеър М. Қўшмоқовнинг “Қоратол” шеърий тўпламида 1973 йили эълон қилинади.

Ушбу “Озодлик” шеъри 1985 йили шоир Тохир Қаҳҳор томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилинади. Т. Қаҳҳор ўз таржимаси учун Поль Элюар шеърининг рус тилидаги М. Ваксмахер тайёрлаган вариантыдан фойдаланади.

Кейинги йилларда эса Поль Элюарнинг ўнлаб шеърлари ўзбек тилида жаранглади.

Танқидчилигимизда эса Поль Элюар тўғрисида ҳозирга қадар бор-йўғи 3 та кичик – кичик мақола мавжуд ҳалос. Улардан энг биринчиси 1979 йили ёзилган бўлиб, шундан кейинроқ яна бошқа айрим тадқиқотчилар томонидан бир неча мақолалар эълон қилинган .

Таянч сўз ва ибораларлар:

1. Француз адабиётидаги “дада” ҳаракати.
2. Сюрреализм шеърияти.
3. “Франциянинг озодлиги ва мустақиллиги учун миллий кураш fronti”.
4. “Француз қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати”.
5. “Сюрреалистик инқилоб”.
6. “1942 йил ҳақиқати ва шеърияти”.

Топшириқлар:

1. XX аср француз поэзиясидаги ўзига хос жараёнларни кузатиб, таҳлил қилинг.
2. Поль Элюар ҳаёти ва ижодини эътибор билан ўрганиб чиқинг.
3. Поль Элюар « Liberté » шеърининг французча асл матнига алоҳида эътибор беринг.
4. Поль Элюарнинг « Liberté » шеърини шоир Тоҳир Қахҳор томонидан рус тилидан қилинган воситали таржима билан солиштириб кўринг.
5. Поль Элюарнинг « Liberté » шеърини Муҳамадали Қўшмоқов томонидан рус тилидан қилинган билвосита таржима билан қиёсланг.
6. Поль Элюарнинг « Liberté » шеърининг барча воситали таржималарини Очилбой Рустамов томонидан аслиятдан қилинган бевосита таржима билан таққосланг.

**Поль Элюар “Озодлик” шеърининг французча асл нусхаси ва ундан
қилинган таржималар:**

LIBERTÉ

Paul Eluard .

Sur mes cahiers d'écolier
Sur mon pupitre et les arbres
Sur le sable sur la neige
J'écris ton nom

Sur toutes les pages lues
Sur toutes les pages blanches
Pierre sang papier ou cendre
J'écris ton nom

Sur les images dorées
Sur les armes des guerriers
Sur la couronne des rois
J'écris ton nom

Sur la jungle et le désert
Sur les nids sur les genêts
Sur l'écho de mon enfance
J'écris ton nom

Sur les merveilles des nuits
Sur le pain blanc des journées
Sur les saisons fiancées
J'écris ton nom

Sur tous mes chiffons d'azur
Sur l'étang soleil moisi
Sur le lac lune vivante
J'écris ton nom

Sur les champs sur l'horizon
Sur les ailes des oiseaux
Et sur le moulin des ombres
J'écris ton nom

Sur chaque bouffée d'aurore
Sur la mer sur les bateaux
Sur la montagne démente

J'écris ton nom

Sur la mousse des nuages
Sur les sueurs de l'orage
Sur la pluie épaisse et fade
J'écris ton nom

Sur les formes scintillantes
Sur les cloches des couleurs
Sur la vérité phusique
J'écris ton nom

Sur les sentiers éveillés
Sur les routes déployées
Sur les places qui débordent
J'écris ton nom

Sur la lampe qui s'allume
Sur la lampe qui s'éteint
Sur mes maisons réunies
J'écris ton nom

Sur le fruit coupé en deux
Du miroir et de ma chambre
Sur mon lit coquille vide
J'écris ton nom

Sur mon chien gourmand et tendre
Sur ses oreilles dressées
Sur sa patte maladroite
J'écris ton nom

Sur le tremplin de ma porte
Sur les objets familiers
Sur le flot du feu béni
J'écris ton nom

Sur toute chair accordée
Sur le front de mes amis
Sur chaque main qui se tend
J'écris ton nom

Sur la vitre des surprises
Sur les lèvres attentives
Bien au-dessus du silence
J'écris ton nom

Sur mes refuges détruits
Sur mes phares écroulés
Sur les murs de mon ennui
J'écris ton nom

Sur l'absence sans désirs
Sur la solitude nue
Sur les marches de la mort
J'écris ton nom

Sur la santé revenue
Sur le risqué disparu
Sur l'espoir sans souvenirs
J'écris ton nom

Et par le pouvoir d'un mot
Je recommence ma vie
Je suis né pour te connaître
Pour te nommer

Liberté.

“POÉSIE ET VERITÉ 1942”

Озодлик

Муаллиф: Поль Элюар

Рус тилидан М.Қўшмоқов таржимаси

Ўқувчилик дафтарларимга
Ва дарахтлар илдизига,
Омонат қум тепаларига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ҳамма ўқилган саҳифаларга
Мангу бўш қолган саҳифаларга
Қонга, тошга ва кулга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Тилла югуртирилган суратларга,
Қиролларнинг гултожларига,
Ҳарбий қуролланишларга,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Харобазор ва чангалзорларга,
Бутоқдаги қуш инларига,
Болаликнинг акс-садоларига,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Кечаларнинг афсунгарлигига,
Кундузнинг оппоқ нонига,
Никоҳнинг чиллали кунларига,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Мовийликнинг синиқ-синиқларига,
Ойли кўлларнинг сокинлигига,
Қуёш ҳавзаларига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Соҳилсиз текисликларга,
Учаётган қушнинг қанотларига,
Тегирмонлар мудроқ қанотларига,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ҳар бир тонг отар шуъласига,
Денгизга, кемаларга,
Тоғлар телба чуққиларига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Булутларнинг буғланишларига,
Ёмғирларнинг бурма оқимларига,
Довулли жалаларга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ҳамма нурланувчи шаклларга,
Гулларнинг чилдирмаларига,
Руй-рост кўринган ҳақиқатга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Шиббаланган равон йўлларга,
Тақирлашган сўқмоьларга,
Одам гавжум майдонларга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Тунлари ёқилган чироққа,
Саҳарга келиб ўчган чироққа,
Ҳамма уйларга, қайда яшамай,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ўувиллаган турар жойимни,
Акс этаётган ойнага,
Бўм-бўш иссиқ ўринга,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Хушфеъл итнинг юнгларига,
Унинг ўткир қулоьларига,
Унинг қўпол панжаларига,
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ҳар бир менга яқин вужудга,
Севимли дўстлар манглайларига
Ҳар бир очилган кафтга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Очиб қўйилган деразаларга,
Диккатли сукут сақлаб,
Ярим очилган дудоқларига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Тўғнагичлар тутқичларига,
Синдирилган фонусларга,
Ҳамишалик қайғулар деворига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Ўрни тулмас заволларга,

Ўз тақир етимлигимга,
Кўмиш маросимларига
Мен сенинг номинг ёзаман.

Қайтарилган саломатликка,
Ўтган ўша қўполликка,
Тентакларча хом умидларга
Мен сенинг номинг ёзаман.

Шу сўзнинг қудрати билан
Ҳаётга қайтарман мен –
Сен билан дўстлашгани келдим,
Дунёга келдим атай олгани сени:
«Озодлик!»

О З О Д Л И К

Муаллиф: Поль Элюар

Рус тилидан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси

Мактабимда ҳар бир дафтарга
Тахтага ҳам оппоқ деворга
Дарахтларга, кумга ва қорга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Ўқиганим ҳар саҳифа бобга
Ўқилмаган ҳар бир китобга
Тошга, қонга, кўлга шу тобда
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Ўтмиш замон уй лошига
Лашкарларнинг совут бошига,
Подшоларнинг тахту тожиги
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Чўл чангалзор адоқларига
Ундаги қуш нидоларига
Пок болалик садоларига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Тунлардаги завқи ниҳонга
Нонуштага қўйилган нонга
Тўйлардаги ҳар дастурхонга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Ҳовуздаги лойқаранг кунга
Ёғдуларда ёнган сукунга
Кулдаги ой таратган унга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Қанот қоққан қуш нафасига
Далага уфқ алангасига
Тегирмонлар кўланкасига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Тонг ҳовури ҳар бир титроққа
Кемаларга, денгиз, қирғоққа
Ақлу ҳушдан айрилган чоққа
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Кўпирган оқ булут кафтига

Тунд булутнинг шумшук афтига
Зор йиғлатган ёмғир тафтига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Жилваланган саробий қатга
Жомхонага рангин қабатга
Фаҳм этилган ҳар ҳақиқатга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Уйғонган ҳар сўқмоқ кўзига
Илонизи йўллар юзига
Гавжум майдонларнинг ўзига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Ҳар бир ёник чироқ нурига
Туннинг ўчик чироқларига
Яшаганим ҳар уй турига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Икки бўлак олма пўстига
Ётоғимга ойна устига
Кўрпам-ёлғизлигим дўстига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Уйимизнинг остонасига
Нарсаларнинг қиёфасига
Муқаддас ўт алангасига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Хушбахтларнинг тик қоматига
Дўстларнинг соф муҳаббатига
Ҳар саломи садоқатига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Шабнам мисол тиниқ ҳайратга
Лаблардаги ноз ишоратга
Илҳақликка зор сукунатга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Гушамнинг хор-хароб ҳолига
Сўнган маёқлар саволига
Ғамларимнинг чалдуволига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Фурқатнинг гард гиналарига

Танҳоликнинг сийналарига
Ўлим ажал зиналарига
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Қайтиб келган соғлик омадга
Ўтиб кетган ҳар фалокатга
Яна келган умидга бахтга
Мен озодлик сўзин ёзаман.

Шу бир сўзнинг қудратин билдим
Билгач яна руҳан тирилдим
Ҳурлик истаб дунёга келдим
Мен озодлик сўзин ёзаман.

ОЗОДЛИК

Муаллиф: Поль Элюар
Француз тилидан
Очилбой Рустамов таржимаси

Мактаб дафтарларимга ҳам
Парта ва дарахтларимга ҳам
Қумга ва қорга ҳам
Сенинг исминг ёзаман.

Қораланган саҳифаларга
Ҳам оппоқ саҳифаларга
Қоғоз, тош ҳам тупроққа
Сенинг исминг ёзаман.

Тилларанг суратларга
Жанговор яловларга
Шоҳлар тожига ҳам
Сенинг исминг ёзаман.

Ўрмон-у, саҳрога ҳам
Инларга, буталарга ҳам
Гўдаклигим акси-садосига
Сенинг исминг ёзаман.

Тунлар гўзаллигига
Ҳар кунги оппоқ нонга
Чилла мавсумига
Сенинг исминг ёзаман.

Осмоннинг кўк гумбазига
Ҳовуздаги қуёш ипига
Кўлдаги жонли ойга
Сенинг исминг ёзаман.

Далаларга, уфққа ҳам
Қушлар қанотига ҳам
Тегирмоннинг соясига ҳам

Сенинг исминг ёзаман.

Субҳи саболарга
Денгиз, кемаларга
Осмонўпар тоғларга
Сенинг исминг ёзаман.

Момиқ булутларга
Иссиқ чақмоққа
Шаррос ёққан ёмғирга
Сенинг исминг ёзаман.

Рангу тус ўйинларига
Гулларнинг қўнғироғига
Табиат ҳақиқатига
Сенинг исминг ёзаман.

Ўйғонаётган сўқмоъларга
Айланма йўлларга
Одам тўла майдонларга
Сенинг исминг ёзаман.

Ёниб турган чироққа
Ҳам ўчган чироққа
Ўзим яшаган хонага
Сенинг исминг ёзаман.

Иккига бўлинган мевага
Ойнага ва менинг хонамга
Тўшагимнинг бўш жойига
Сенинг исминг ёзаман.

Юмшоқ ширинтамоқ итимга
Унинг узун кулоқларига
Ҳам беуқув панжаларига
Сенинг исминг ёзаман.

Уйимизнинг зиналарига
Ҳамма оддий нарсаларга
Муқаддас оловли тўлқинга
Сенинг исминг ёзаман.

Барча яқдил одамга
Дўстларимнинг пешонасига
Ҳамма очик қўлларга
Сенинг исминг ёзаман.

Дераза ойналарига
Лабларинг диққатига
Хуш ҳам сирли сукутга
Сенинг исминг ёзаман.

Бузилган кўрғонларимга
Вайрона маёқларимга
Қайғули деворларимга
Сенинг исминг ёзаман.

Беорзу ўтганларга
Танҳо, ёлғиз булутларга
Ўлим сари кетганларга
Сенинг исминг ёзаман.

Соғайган саломатликка
Ўтиб-кетган хатарга
Ушалмаган умидга
Сенинг исминг ёзаман.

Шу бир сўз қудрати билан
Мен яна қайтдим ҳаётга
Яъни сени танимоқ учун
Сени айтмоқ учун —

ОЗОДЛИК

Ўқиш учун тавсия этилаётган адабиётлар:

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Аср овози. XX аср жаҳон шеърятидан. Тўплам. Тошкент. 1988. 183б.
2. Идрок. Эльзанинг кўзлари. Париж. Шеърлар. Французчадан Ш. Ботирова таржималари. “Саодат” журнали. 1987. №10. 19-бет.
3. 20-аср жаҳон прогрессив шеърят. Француз шоирлари, фин шоирлари. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984.98 б .
4. Рустамов О.Ю. XX аср француз шеърят, ўзбек тилида. Диссертация афтореферати.23бет.(Поль Элюар)Самарқанд.1994.
5. Рустамов О.Ю. Поль Элюар шеърят ўзбек тилида.«Бадий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари». Маърузалар тезислари. Самарқанд. 1991. 111-114 бетлар.
6. Рустамов О.Ю. Поль Элюар шеърят ўзбек тилида. (қиёсий-типологиялик таҳлил). «Таржима муаммолари». Мақолалар тўплами. 2-китоб. Тошкент-1991. 153-169 бетлар.
7. Сўз санъати. Маҳорат ва тил ҳақида мулоҳазалар. Дониёров Х. Мирзаев С. - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962.- 76 б.

8. Гражданская поэзия Франции. М. Худ.литература.1955. 528с.
9. Элюар Поль. Стихотворения. М. Худ. Литература. 1985. 209с.
10. Элюар Поль. Стихи.Журнал “Иностранная литература” 1977. №4 с.156.
11. Элюар Поль. Стихи.Журнал “Иностранная литература” 1960. №3 с.132.
12. Элюар Поль. Стихи.Журнал “Иностранная литература” 1969. №11 с.147.
13. Элюар Поль. Стихи.Журнал “Иностранная литература” 1962. №11 с.163.
14. Элюар Поль. Стихи.Журнал “Иностранная литература” 1955. №5 с.149.
15. Андреев Л.Г. Французская литература 1917-1956. М. Наука. 1959.
16. Балашова Т.В. Высокая и чистая поэзия борьбы. ”Иностранная литература”. 1969. №2.с.184.
17. Волкова З. А. Эпос Франции. М. Наука. 1984. 319с
18. Лувик В. Элюар и об Элюаре. Журн. «Иностранная литература» 1973. № 2. с.160.
19. Во имя жизни. Зарубежные поэты о мире. Вст.ст. П. Антокольского. М. Худ. литература.1955.-359с.
21. Гильвик Э. Стихи. “Иностранная литература” 1977. № 10. с.169.
22. Гильвик Э. Стихи. “Иностранная литература” 1966. № 10. с.149.
23. Гильвик Э. Стихи. “Иностранная литература” 1965. № 12. с.153.
24. Из французской поэзии. Френо. Гильвик. М. 1969. Прогресс. 196с.
25. Из поэзии французского сопротивления. “Иностранная литература” 1975. № 5. с.148.
26. Французские стихи в переводе русских поэтов XIX –XX вв. Составление, вступ.статья и комментарии Е. Эткинда. М. Прогресс. 1973. 624с.
27. Вопросы поэтики. Самарканд. СамГУ.1993. 159с.
28. Гуманизм сближает народы.”Иностранная литература”.1964. №9.с.37.
29. Гильвик Э. Поэт и социальный мир. ”Иностранная литература”. 1966. №10.с.49.
30. Григорьев В.П. Поэтика слова. М. Наука. 1979. 343с.

Француз тилидаги адабиётлар

31. 1942
POÉSIE ET VÉRITÉ 1942
(Editions de la main à la Plume).
32. 1943
LES SEPT POÈMES D'AMOUR EN GUERRE
Sous le pseudonyme de Jean Hault
(Bibliothèque Française, public, etandestine.)
33. 1943
POÉSIE ET VÉRITÉ 1942
nouvelle édition augmentée
(Editions de la Baconnière à Neuchatel, Suisse.)
34. Poetes Anthologie frangais. XIX-XX siecles. Voscou Elitions Progres.
1982. p.622.
35. Poetes Anthologie frangais. XIX-XX siecles. Voscou Elitions Progres.
1982. p.622.
36. Rousselot J. Histoire de la poesie francaise. Paris.1976.p.71.
37. Toulet P.S. Notes de literature. Paris.1926. p.14.

Мундарижа

Сўзбоши.

Биринчи боб

1. “Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати” поэзиясини Эжен Гильвик ижоди мисолида ўрганиш.....5 -бет
2. Таянч сўз ва иборалар.....21-бет
3. Топшириқлар.....22-бет

Иккинчи боб

4. Француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати поэзиясини
Поль Элюарнинг “Озодлик” шеъри мисолида ўрганиш.....23-бет
5. Таянч сўз ва иборалар.....35-бет
6. Топшириқлар.....36-бет
- Поль Элюар “Озодлик” шеърининг асл нусхаси ва ундан қилинган таржималар:
7. Paul Eluard. LIBERTÉ.....37-бет
8. “Озодлик”. Рус тили(П. Антокольский)дан М. Қўшмоқов
таржимаси.....40-бет
9. “Озодлик”. Рус тили(С. Бобров)дан Тоҳир Қаҳҳор
таржимаси.....42-бет
10. “Озодлик”. Француз тилидан Очилбой Рустамов таржимаси.....44-бет
11. Ўқиш учун тавсия этилаётган адабиётлар:47-бет
- Мундарижа**.....50-бет